



2

**УЙДА НИМА ҲАҚДА  
ГАПЛАШАСИЗ?**



4

**НОГИРОН БОЛАГА  
КИМ МАСЪУЛ?**



12

**ҚИРЧИЛЛАМА ЁШ  
ҚИЛИҚЛАРИ**



16

**ТЎЁНА ҚАРЗ ҲИСОБИГА  
ЎТАДИ(МИ)?!**



**Юракка нур бағишлар болалар табассуми**

### КЕЧА:

→ Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга қатор хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келиб турибди.

→ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори эълон қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ ушбу кампания шу йилнинг 22 сентябридан бошланди.

### БУГУН:

→ Мисрда футбол бўйича ёшлар ўртасида XVII жаҳон чемпионати тантанали суратда очилади. Ўз гуруҳида Англия, Уругвай ва Гана терма жамоалари билан кечадиган жиддий баҳсларга қизгин тайёргарлик кўрган терма жамоамиз аъзоларига ўзбекистонлик миллионлаб футбол мухлислари фақат омад ёр бўлишини тилашмоқда.

→ Бугун пойтахтимизда Халқ таълими вазирлиги, Республика Болалар кутубхонаси ҳамда «Оила ва жамият» газетаси таҳририяти ҳамкорлигида ўтказилаётган «Энг яхши китобхон оила» кўриқ-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтади.

### ЭРТАГА:

→ Мамлакатимизда ўн икки йилдан бери анъанавий тарзда нишонланиб келинаётган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрамига қизгин ҳозирлик кўрилмақда. Барча таълим ва тарбия масканларида ушбу айёмни унутилмас тантана сифатида ўтказиш бўйича тadbирлар белгиланяпти.

### ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Узоқ умр кўришнинг сирини англаган 109 ёшли аянинг эътирофи	2
«Олмайдиган домланинг обрўси «оладиган»никидан баландроқ» эканлигини исботлаган журналист	5
Шоҳимардонда татимаган ош	6
Теледастурлар	8–10
Ўн етти ёшли қиз уйланган йигитга турмушга чиқиб, тўрт ойда қайтиб келди! Ким айбдор?	11
Шифокор ҳомиладорликни тақиқлаши мумкинми?	13
Интернетдан ёр излаган аёллар... адашмоқдами?	14
Телефондаги ёлгонларга ишонманг!	15

## “ОБУНА — 2010”

**Муҳтарам муштарий!**

Йил давомида хонадонингизда эзгулик, бағрикенглик, аҳиллик ришталари мустаҳкам бўлсин, кўнглингиздан эса ҳар қандай бойликдан-да улугроқ неъмат — меҳр-муҳаббат туйғуси аримасин десангиз, «Оила ва жамият»га обуна бўлинг!

### ИНДЕКС:

Якка обуначиларга — 176  
Ташкилотларга — 177



Оилани Ватан ичидаги ватан, ижтимоий ҳаёт ўзаги, инсон камолотининг пойдевори... деймиз. Хуллас, унинг минг бир таърифи бор ва уларнинг ҳаммаси ўз ўрнида тўғри. Бироқ барча қиёслар қандайдир ришталар билан тарбия масаласига келиб боғланади. Оиланинг тарбия ошёни, тарбия ўчоги эканини таъкидлайверади. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, бу гўшадаги ҳамма нарса катта аҳамиятга эга. Дейлик, ўзаро суҳбат-гурунлар... Албатта, хонадонларда кўпроқ маиший мавзуларда гаплашилади. Бу оиланинг ички эҳтиёжидан келиб чиқса, хўп-хўп, ammo баъзи ҳолатлардаги

шакллантирувчи маскан, оила эса фақат маиший тарбия бера олади», тарзидаги кўникма шаклланади. Бу эса уларда, аксарият ҳолларда, ижтимоий ҳаётга бепарволик ҳолатларини юзга келтиради. Мен шундай оилаларни билман. Улар ойнаи жаҳонда Ўзбекистон мадҳияси янграётганда фарзандларини хурмат сақлаб туришга одатлантирган. Ёки Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳаётига бағишланган фильми ўсмир фарзандлари билан бирга ўтириб кўриб, айрим воқеаларга изоҳ берадиган ота-оналар ҳам бор. Қизлари, ўғилларининг сўз бой-

ди шундай фуқаролардан кимлардир ўзи истаган «шаклни ясаб олиши» ва улар жамият учун хатар тўғдириши мумкин.

Баъзан хонадон соҳиб, соҳибалари ишдан чарчаб келади. Фарзандлари ўзи қизиққан саволни берса ҳам:

— Бор, ўқитувчингдан сўра, ўзи чарчаб турибман, — деб кўяди. Ўқитувчининг жавоби бошқача таъсир кучига, ота-онаники бошқача кучга эга. Шундай экан, дастурхон бошида, дам олиш соатлари, оилавий йиғинларда тасодифий суҳбатлардан қочган маъқул. «Нима энди, муаллимга

## УЙДА НИМА ҲАҚДА ГАПЛАШАСИЗ?



сўзлашувлар «айти-деди»лар доирасида қолиб кетади. Ҳатто зилети инсонлар ҳам фарзандидан:

— Хўш тойчоқ, боғчада нима единг?

— Боғча опанг қанақа кўйлак кийиб келибди?

— Янги келган ўртоғининг ойиси нима иш қилар экан? — деган мазмундаги саволларга жавоб сўрашади.

Мақтаб ўқувчиси бўлган ўғил-қизлар билан ҳам аксарият ҳолларда шундай гап-сўзлар бўлади. Ота-онанинг ўзи ҳам дастурхон бошида қайси кўшни қизга кимдан совчи келгани, куёв бўлишининг бой, камбағаллиги... ҳақида эринмай сўзлашади. «Хўш, нима бўпти, оиланинг айвони, ошхона ёки меҳмонхонаси мажлислар зали эмаски, унда ижтимоий мавзуларда гап борса», дейишингиз ҳам мумкин. Айнан, мана шу фикрда хатолик бор. Ўз уйда фақат маиший мавзулардаги суҳбатларни тинглаган ва шунга кўниккан болалар тафаккурида: «Мақтаб, лицей, коллежлар — ижтимоий тарбия берувчи, сиёсий онгни

ўхшаб, ўғил-қизларимиз билан бўладиган гап-сўзларни ҳам режалаштириб, конспеклаштириб олайликми?» дея эътироз билдириши ҳам мумкин айримлар. Аслида шундай режа тузилса, ёмон бўлмасди. Ахир, ўсмир боламиз «Севаман, ўламан, куяман» деган учта сўзни ўттиз марта такрорлаб, қўшиқ деб тақдим этаётган ҳаваскор ашулачининг туғилган йили, машинасининг ранги, ҳатто, севиб ейдиган таомигача билса-ю, Ҳазрат Навоий ҳақида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»ни ёзганидан бошқа маълумотни билмас, фожеа эмасми? Улуғ шоирнинг адолат, ҳақиқат, юрт тинчлиги учун олиб борган курашлари «Минг бир кеча» афсоналаридай чиройли қилиб сўзланса, болаларимизда ўз авлод-аждодлари билан фахрланиш туйғуси уйғонмайди? Бугунги кун, истиқлол даврида эришилган оламшумул ўзгариш муваффақиятлар ҳақида-чи?

Ўз ота-онаси тилидан: «Бу янги қурилган кўприк бизники, анави ҳашаматли бино, хиёбон ҳам ўзимизники. Шу жойлар бизнинг болалигимизда тиканзор, қаровсиз бўлиб ётарди, шунча чиройли бўлиб кетди. Қадрига етиш керак», деган самимий гапларни эшитганда бола қалбида бошқача меҳр уйғонади. Инсон умри ганимат. Шундай экан, тилимиз орқали айтилаётган ҳар бир сўз, гап эзгуликка, ўсишга, тараққиётга, фарзандларимизнинг шахс сифатида камолотга эришувига хизмат қилса айни мудоао бўларди. Ҳар бир шахс фақат оиланинг эмас, Ватанинг, жамиятнинг бир ёруғ парчасига айлансагина Озодлик, ободлик тушунчалари юракдан жой олади.

Ҳудуднинг бир қисмида жамиятнинг барча аъзолари бирдай фаол бўлмайди. Кимнингдир фикри халқ, миллат тақдирини ҳал қилувчи рол ўйнайди. Кимлардир фикри халқ, миллат тақдирини ҳал қилувчи рол ўйнайди. Кимлардир фикри халқ, миллат тақдирини ҳал қилувчи рол ўйнайди. Амо онгли фуқаролари кўпайган, фикрлар ранг-баранглагани сайин жамият тараққиёти тезлашади. Акс-ҳолда ўзининг собит фикри бўлмаган, ким нима деса эргашадиган фуқаролар оқими пайдо бўлади. Худ-

ди шундай фуқаролардан кимлардир ўзи истаган «шаклни ясаб олиши» ва улар жамият учун хатар тўғдириши мумкин.

Баъзан хонадон соҳиб, соҳибалари ишдан чарчаб келади. Фарзандлари ўзи қизиққан саволни берса ҳам: — Бор, ўқитувчингдан сўра, ўзи чарчаб турибман, — деб кўяди. Ўқитувчининг жавоби бошқача таъсир кучига, ота-онаники бошқача кучга эга. Шундай экан, дастурхон бошида, дам олиш соатлари, оилавий йиғинларда тасодифий суҳбатлардан қочган маъқул. «Нима энди, муаллимга

Фарида САИФНАЗАРОВА, Тошкент давлат аграр университети доценти.



## ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

### ЭКОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?

Яқинда «Экосан» халқаро жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш Давлат қўмитаси кенг жамоатчиликнинг атроф-муҳит муҳофазаси борасида боғлиқлигини ошириш, экологик маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида республикамиздаги экологик сайт ва порталларнинг тақдироти бағишланган учрашув ўтказди. Унда вазирлик ва идораларнинг экология бўлиmlлари раҳбарлари, олий ўқув юр்தларининг экология кафедралари мудирилари, журналистлар иштирок этишди.

Экоинозалда иштирокчилар эътиборига 15 га яқин экологик ахборот сайтлари тақдим этилди. Жумладан, тадбир ташкилотчиларининг ecosan.uz, uznature.uz сайтлари, CAWater-Info сув портали, econews.uz Ўзбекистон веб-портали билан бир қаторда sgp.uz, eco.uz, mete.uz, armon.freenet.uz, forestry.uz, ehlife.org, ecoport.uz, tugai.uz, sveda.uz каби сайтлар ҳам тақдим этилди. Тақдим довомида намойиш этилган видеолар, фотосуратлар, турли экологик тоифалар, сайтдан сайтга ўтиш жараёнлари ҳам ранг-баранглиги иштирокчиларни ўзига тортиди. Экологлар ўз сайтларини тақдим этиш билан чекланмасдан веб-ресурсга кириш, унда ишлаш тўғрисида ҳам маълумот бериб, турли экологик муаммоларни ечишга қаратилган лойиҳаларни ҳам тақдим этишди.

Ўз мухбиримиз

### КОЛЛЕЖДА ОИЛА САБОҚЛАРИ

Куни кеча Сурхондарё вилоятининг Узун қишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ, ФХДЁ бўлими ҳамкорлигида «Ёш оила қурувчилар мактаби»нинг дастлабки машғулоти бўлиб ўтди. Қизиқарли ва мазмундор мавзуларга бой тарзда кечган ушбу суҳбат жараёнида ёшларга оиланинг муқаддаслиги, тиббий кўрикнинг моҳияти, соғлом турмуш тарзи, мустакил ҳаётга ҳам жисмонан, ҳам маънан тайёр бўлишга доир ҳаётини мисоллар айтиб ўтилди.

Ўлмас ТОХИР

### Пойтахтимизнинг миллий бог ҳудудидаги маданият ва санъат кўргазмалари биносида ўтказилаётган

### «ҚўЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН...»

деб номланган доимий фаолият кўрсатувчи ҳудудларо кўргазма-савдосига марҳамат!

Муҳтарам юртдошлар, муъжизакор кўллар яратган гўзалликлардан баҳраманд бўлинг!

Тел.: 244-03-80, 239-40-42.

Ўзбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот асвтиликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

«Нега аввалроқ спорт билан шуғулланмаган эканман-а? Қаранг, олдинлари белим сал эгилса, қакшаб оғрир, дўхтирлар оёғим бўғимларимдаям туз, кўмлар борлигини айтишарди. Энди анча тегиман, руҳим баланд, ҳеч қаерим оғримаяпти».

«Маҳалламиздаги майдончага қикиб, волейбол, теннис ўйнаямиз. Айримлар гимнастика билан шуғулланыпти. Уялиб, «уйдаги ишларимдан ортолмайман», деб юрган аёллар ҳам энди сифимизга келиб қўшилипти».

(Мусобақа иштирокчиларининг ўзаро гурунгида)

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бир неча ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида «Аёл соғлом бўлса, авлод соғломдир» шiori остида ўтказилган фестивалда юқоридаги каби

## УЙ БЕКАСИ — СПОРТЧИ

### ёхуд Чирчиқдаги хотин-қизлар беллашуви ҳақида

самимий эътирофларни кўп бора эшитдик. Бу ҳам бежиз эмас. Негаки, спорт ҳар бир инсоннинг соғлом турмуш тарзи учун энг яхши ва фойдали воситадир.

Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида спорт билан мунтазам шуғулланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилгани хотин-қизларга ҳам жуда кўл келмокда. Айни пайтда республикамизда 3 миллиондан ортиқ аёл спортга жалб этилган бўлиб, қувонарли томони, уларнинг катта фоизини уй бекалари ташкил этади. Жойларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар қўмиталари раисалари ҳамда маҳалла маслаҳатчиларининг саъй-ҳаракатлари билан уй бекаларининг кўпчилиги маҳаллалар қошида

ташкил этилган спорт тўғаракларига доимий равишда қатнашмокда. Жуда кўпбал маҳаллалар ҳудудидаги спорт майдончаларида волейбол, баскетбол, югу-

риш, шахмат-шашка бўйича муسابакалар ташкил этилгани ҳам ибратлидир. Ушбу фестивал иштирокчилари орасида нафақат ёш аёллар, балки ўсмир қизлар,



Қозим ЎЛМАСОВ олган сурат.

кекса ёшдаги онахонларнинг ҳам борлиги ҳаммани қувонтирди.

Фестивалга Қорқалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан жами 364 нафар уй бекалари, пенсионерлар, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар, спорт мураббийлари тақлиф этилди. Унда спортнинг волейбол, стритбол, енгил атлетиканинг 4 тури, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш, гимнастика каби турлари бўйича беллашдилар. Мусобақа сўнггида Андижон вилоятидан келган аёллар жамоаси 1-ўрин, Самарқанд вилояти 2-ўрин, Хоразм вилоятининг спортчи хотин-қизлари 3-ўрин соҳибалари бўлишди. Соғлом турмушни ҳаётининг бир бўлагига айлантириб олган чакқон, уддабурон голибларга ҳамкорларнинг қимматбоҳо совғалари ва дипломлари топширилди.

Ўз мухбиримиз

# 109 ёшли Маҳсудахон ая: **ШИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ** **УЗОҚ ЯШАШ СИРИ —**

## **ХОТИРЖАМЛИКДА**

Анджон вилояти, Марҳамат тумани, Қорақўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини Бўрибоши маҳалласида истиқомат қилувчи 109 ёшли Маҳсудахон ая Нишонова қишлоқнинг энг пиру бадавлат онахонларидан. Табаррук момо мустоқиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз Президентни Фармонига биноан «Шухрат» медалли билан мукофотланди.

— Мехнат қилган одам сира кам бўлмас экан, — дейди ая шукроналик билан. — Бўлмаса, ёшга етганимда бундай улғуф мукофотни оларимдими?

Вилоят ҳоқими Аҳмадҷон Усмоновнинг Маҳсудахон момо хонадонида бўлиб, бу шарафли мукофотни топшириши онахон учун ажойиб совға бўлди.

Онахон ўтган кунларни шундай хотирлайди:

«Турмуш ўртоғим билан уч ўғилни вояга етказиш, рўзгор тебратишининг ўзи бўлмаган. Бо-

ларимиз ёш эди. Уларни ўзим билан бирга далага олиб кетардик. Бошқалардан кам бўлмаслик учун югуриб-елиб ишлардик. Фалла, пахта эқдик, етишмовчиликлар бўлса-да, умидсизланмадик. Ҳар қандай шароитда болаларимизга ҳалол лўқма едирдик. Қаноатга ўргатдик. Худога шукр, уларнинг ортидан ёмон гап эшитмадик. Ҳаммаси мехнати туфайли қадр топишди.

Маҳсудахон момо бу гапларни мактаниб эмас, шукрона сифатида айтди. Ҳозир бағрини тўлдириб турган уч ўғилдан 48 набира, 86 чевара, 43 эвара кўрди. Эл-юрт ардоғи эса Маҳсудахон момога ўзгача куч берди. Аинқиса, бугунги мукофот қишлоқдошлари учун ҳам байрам бўлди.

— Агар биз — фарзандлар, набира, чевара, эваралар йиғил-

гудай бўлсак, хонадонимиз тўйхонага айланиб кетади, — дейди тўнғич ўғил Маҳаммадали ака. — Онам бошидан ўтказган кийинчиликларини айтиб берганда, бизга эртақдай туюларди. Бугун эса қилган меҳнатлари орқасидан тақдирлангани бизларни ҳам гоят қувонтирди.

Ҳа, табаррук онахон истиқомат қилаётган хонадондан бугун одам аримайди. Келиб-кетувчиларнинг ниятлари битта: момони зиёрат қилиш, дуоларини олиш.

Биз бўлсак табаррук онахондан одатдаги саволимизга жавоб сўраймиз: «Узоқ яшашнинг бирон сир-синоати борми?»

Момо ҳам қисқа ва лўндагина қилиб: «Хотиржамликда, ҳалол меҳнат ва яхши ниятда», — дея жавоб берди.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**  
**«Оила ва жамият» муҳбири.**

# НАМУНАЛИ МАКТАБЛАР КЎПАЙМОҚДА

Кейинги йилларда мамлакат миқёсида энг намунали мактабларни аниқлаш мақсадида ўтказилган кўрик-танловлар аллақачон аъёнага айланиб улгурди. Айнан шундай мактабга эришиш учун Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги олтимишга яқин умумтаълим мактаблар ўртасида ҳар йили ўзига хос ижобий рақобат бошланади.

Шундай эътирофга сазовор бўлган, тажрибали мураббий Абдуазим Абдураззоқов раҳбарлик қилаётган 19-сонли ҳамда 51-сонли (директори Ёкутхон Мўминова) умумтаълим мактабларидаги таълим жараёнлари, бир сўз билан айтганда, ҳукуматимиз томонидан яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш борасида ибратли тажрибалар тўпланган. Шунинг учун ҳам ҳар йили мазкур илм масканларини битирган ёшларнинг кўпчилиги олий даргоҳ талабалари сафига қўшилиётир.

— Нафақат ана шу иккита таълим ўчоғида фидоийлик курсатиб келаётган ўқитувчилар, балки бошқа мактабларимизда ҳам



ўз соҳасининг ҳақиқий усталари ишлашмоқда, — дейди **Бекобод тумани халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи Сулаймон АЗИЗОВ** биз билан суҳбатда. — Улар орасида Президентимиз Фармонига кўра, турли юксак орден ва медаллар билан тақдирланганлари, қолаверса, халқ таълими аълочили-

ри жуда кўп. Демак, юртимизда бу машаққатли соҳа таълим тизимига муболағасиз айтиш мумкинки, давлат даражасида катта эътибор берилётган бир пайтда биз ҳам ана шу шарафли ишончини ўз меҳнатимиз билан оқлашимиз керак.

**Турдикул НОРМАТОВ,**  
**«Оила ва жамият» муҳбири.**

...Бир оилани биламан. Узоқ йиллар муқаддам икки опа-сингил куда бўлишди. Ён-атрофдагилар, қариндош-уруғларнинг норозилиқларига қарамай йигит билан қиз бир-бирларисиз яшолмасликларини айтиб, турмуш қуришга аҳд қилиб туриб олишди. Нойлоҳ қолган ота-оналар тўйга розилик беришди. Кўп ўтмай уларнинг хонадонида қиз фарзанд дунёга келди. Чақалоқ ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом туғилди. Уларнинг никоҳига норози бўлган қариндошлар уялиб қолишди. Кўёв ҳам, келин ҳам «фарзандларинг ноғирон бўлиб дунёга келиши мумкин», деган одамларга «мана, кўрдингизми, бизнинг бола-домиз соғпа-соғ туғилди. Ҳамма қариндошларнинг ҳам болалари носоғлом туғилавермайди», дея ўзларича танбех ҳам беришди. Йиллар ўтиб, уларнинг иккинчи ва учинчи фарзандлари дунёга келди. Афсуски, кейингилари ноғирон эди. Ёш ота-она болаларини даволатиш учун кўплаб тиббийет муассасаларига мурожаат қилишди. «Уларни барибир тузатаман», деб ўйлаган эркак имконсизлигини билган, минг пушаимон бўлди. Лекин бундан не фойда? Бугун эса ўзлари келин қилиш мақсадида турли хонадонлар эшигини қоқшяпти. Ота-онанинг ягона истаги — насларини давом эттирадиган,

уларга соғлом набиралар ҳаёда этадиган келин топиш. Ўғлига мос тушадиган қизлар бор. Аммо улар соғлом қизни келин қилишмоқчи...

Тўғри, ёшларнинг ўзи бетакорр давр. Бу паллада ёшлар ҳаётнинг фақат гўзал томонларини кўришади. Уларга панднасихат қилган одамларга қулоқ солиш-

# ТИНЧИ БЎЛСИН ЭРКАКНИНГУ АЁЛНИНГ

майди. Эрта бир кун бошлари деворга урилганида ўз хатоликларини учун бошқаларни сабабчи қилиб кўрсатишади. Шу боис ҳам ота-боболаримиз келин танлашда ниҳоятда пухта ўйлаб қуришган. Чунки бир оиланинг тақдири кўп жиҳатдан ўша хонадонга келин бўлиб келган қизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғ эканлигига боғлиқ.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам оилаларни мустаҳкамлашга, уларни ҳар жиҳатдан кўплаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний

ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни яна-

да кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан туманимиз тиббийет бирлашмаси ходимлари билан ҳамкорликда маҳсус тадбирлар режаси белги-ланиб, шу асосда жой-

ларда суҳбатлар, учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Тиббийет ходимлари ёшларга қариндош-уруғчилик ришталари орқали тузилган оилаларнинг кўпчилиги келажакда ачинарли оқибатлар билан пароканда бўлаётганликларини ҳамда туғилаётган носоғлом фарзандлар туфайли оилаларда турли муаммолар пайдо бўлаётганини ҳаётини мисоллар орқали тушунтириб беришмоқда.

Биз ФХДБ бўлими ходимлари зиммасига эса оила кўрмоқни ният қилган ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ҳар томонлама кучайтириш вазифаси юклатилган. Бунда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тиб-



**ИСТИҚДОЛ ФАРЗАНДЛАРИ**

Тазквандо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, устози Юрий ЛИНинг ишончини қозониб, унинг йўл-йўриқ ва маслаҳатларига қатъий амал қилган Жавлоннинг маҳорати ўтган ўн йил ичида ошиб борди. Тўғриси, «сарик белбоғ»дан «спорт устаси» лигигача босиб ўтилган йўл унинг учун осон кечмади. Чунки спортда мағлубият аламиндан керакли хулоса чиқара олган спортчиғина галабанинг қадри нақадар баланд эканлигини англайди. Шу маънода Жавлон ҳам энг аввало мамлакатимиз,

# ЭЛ ЎҒЛИНИНГ КАТТА ОРЗУСИ

«Оилада ўғилни кўпроқ ота кузатади, қани, нимага қизиқ-япти у, мусикагами, спортга ёки техникага ҳаваси баландми, деб. Шунинг учун сал улғайиб қолгач, Жавлонни уйда, кўчада, ўртоқлари даврасида ўзини қандай тутаётганини онасидан секин сўрадим. У ҳам ҳеч иккиланмай «билмадим, бунингизнинг шарқона кураш турларига иштиёқи баланд», деб қолди. Шу тарзда ўғлим 12 ёшидан бошлаб тазквандо тўғра-рағига қатнай бошлади», — деб ҳикоя қилади унинг отаси Ражаббой ака.

Жавлон «сарик белбоғ» соҳиб бўлганидан сўнг турли мусобақаларда иштирок этди. Авовалиги туртинчи, учинчи ўринларини эгаллаб қайтсаям сунонадиган ота-онаси энди уни жиддий сўроққа тута бошлашди: «Қани ўғлим, сен ҳам энди совриндор бўл-у, бизлар эшитиб, кўриб, одамларга мақтаниб юрайлик-да!» Орадан кўп вақт ўтмади. Дастлаб Тошкент шаҳри, кейин вилоятлар ўртасида, ниҳоят, мамлакат миқёсида тазквандонинг ИТФ тури бўйича ўтказиладиган беллашувларда Жавлон Асқаров голиб сифатида эътироф этила бошлангач, нафақат ўз оиласи, балки у ўқиган мактабда, кейинчалик эса ўз жамоасида ҳам обрўси орта борди.

қолаверса, қўшни давлат ринглариде кетма-кет муваффақиятларга эриша бошлади. Шу йилнинг май ойида Когонда ўтказилган вилоятлараро мусобақада биринчи, июнь ойида эса Қирғизистоннинг Иссыккўл шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада 64 кг. вазндаги тазквандочилар ўртасида фахрлий иккинчи ўрин соҳиб бўлиб қайтди.

Ҳозирда Жавлон Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг учинчи курсида ўқиш билан бирга мураббий сифатида ёшларга тазквандонинг ИТФ тури бўйича сир-асрорларини ўргатапти ҳамда яқинда Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро мусобақага жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

— Яқиндагина Италияда бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида икки қарра жаҳон чемпиони деган эътирофга сазовор бўлган Аббос Атоев шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганида юрагим ҳаприқиб кетди. Дунёнинг бир чеккасида Ўзбекистон фарзанди эришган галабанинг олқишланганини кўриб, фахрландим. Бу жуда катта бахт. Насиб этса, менинг ҳам ягона орзум — жаҳон чемпиони бўлиш, — дейди Жавлон Асқаров.

**Умрзок КОДИРОВ**

# СОҒЛОМ МУҲИТ—СОҒЛОМ ОИЛА

бий маданиятини юксалтириш, оила саводхонлигини ривожлантириш масалалари кенг қамраб олиниши кўзда тутилган. Ана шундай хайрли мақсадларни амалга ошириш учун ФХДБ бўлимлари оқилга никоҳланувчи ёшларни турмушга тайёрлашга йўналтирилган «Оила дорилфунуни», «Ёш оила мактаблари» ташкил этилгани яхши самара берапти. Ҳар ойда бир маротаба «Оила дорилфунуни» машгулотлари ўтказилиб, унда ҳаётини тажрибага эга бўлган пиру бадавлат отахон ва онахонлар, намунали оилаларнинг вакиллари, тиббийет ходимлари, диний уламолар, малакали ҳуқуқшунос мутахассислар турли мавзуларда суҳбатлар, мулоқотлар ўтказиб келишяпти. Бунинг натижасида туманимизда ёш оилаларнинг ажралиши йилдан-йилга камаймоқда.

Энг аввало, ҳар бир оилада соғлом муҳит шакллансагина шу хонадонда аҳиллик, тинч-тотувлик ҳукмрон бўлади. Энг асосийси, соғлом муҳит соғлом авлод учун ҳам пойдевор вазифасини ўтади.

Холида АКРАМОВА,  
Тошкент шаҳри, Бектемир тумани ФХДБ бўлими мудири.

**К**ўғирчоқ ўйнаётган мурғаккина қизингизни ҳеч кузатганмисиз? У кўлидаги жонсиз ўйинчоқни меҳр билан эркалайди, ҳатто алла айтиб ухлатади ҳам. Унинг митти юракчасида фарзандга бўлган меҳр куртаклари шу пайтданок ниш уради. Ҳа, жажжигина қизалоқда ўзи билмаган ҳолда оналик туйғуси — инстинкти уйғона бошлайди. Аммо у мана шу

ри керак?! Наҳот она ўзининг тирик, юраги уриб турган қоракўз боласидан осонгина воз кеча олса?! Бунинг сабаби нима? Балки бундай болаларни қандай парвариш қилиш, улар билан алоҳида шуғулланишни билишмас? Ногирон болани тарбиялашдек оғир масъулиятни зиммасига олишдан чўчишар?!  
Мамлакатимизда айнан шундай

кўникмалар, бир сўз билан айтганда амалий ёрдам беришдир. Яъни, ногирон бола туғилган оилда болага қараш, унга таълим бериш, реабилитация қилиш йўлларини ўргатамиз. Қандай қилсак, ота-оналаримиз ўз болаларини мурувват уйлари-га топширишмайди, нуридийдаларини парвариш қилишни ўз зиммалари-

## ✓ МЕҲР ҚОЛУР

Бундай сўрономалар юздан ошди. Уларнинг натижаларини ўрганиб чиқиб,

кўпчиликни қийнаётган масалаларни аниқлаштириб, фаолиятимизни унга мосладик. Унга чет эллик малакали мутахассисларни жалб қилдик. Мутахассислар ота-оналар, маҳалла кўмиталари раислари, вазирлик ходимлари билан тренинглари ўтказиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногирон болалар билан қандай ишлаш, уларга нималарни ўргатиш, қайси идораларга мурожаат қилиш бўйича билим ва кўникмалар беришди. Навбатдаги босқичда биз болалар парламентининг аъзолари билан махсус сессия ўтказишни мақсад қилганмиз. Сессия давомида барча вилоятлар ҳамда қорақалпоғистонлик лидер болаларимиз ногиронларга тааллуқли миллий қончилиқни ва бундай болаларга ёрдам кўрсатиш услубларини ўрганишди, жойларга қайтгач, тенгдош-тенгдошга принцип асосида ногирон болаларга ёрдам кўрсатишди. Бу билан ногирон болалар ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканини ва уларнинг ҳаётида оила нақадар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатишни мақсад қилганмиз. Аслида бундай болаларга давлатимиз томонидан етарлича ҳамхўрлик кўрсатиляпти: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигида махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Аммо ногирон болалар билан ишлашда маҳалла-кўй, оила, ота-она, бобо-бувиларимизнинг ролини оширишимиз керак. Чунки имконияти чекланган болалар махсус мурувват уйларида жамиятдан ажралган ҳолда эмас, ота-оналари бағрида умр кечиришлари керак. Улар ҳам тенгдошлари қатори билим олишга, муסיқа ва санъат, спорт машғулотларига қатнашишга ҳақлидирлар. Бу йўлда ота-оналаримиз билан янада кўпроқ натижаларга эришиш мумкин.

Сўхбатдошимнинг сўзларини тингларканман, лойиҳада кўзланган ният яхши, фақат қўллаб-қувватлаш керак. Бу жараёнда барчани жалб қилиш зарур. Шундагина кўшимизнинг, маҳалламизнинг, қариндошимизнинг ногирон туғилган фарзанди меҳр-мурувватга муҳтож бўлмади.

**Шахноза РОФИЕВА,**  
"Оила ва жамият" муҳбири

# НОГИРОН БОЛАГА КИМ МАСЪУЛ?

илиқ туйғуни қаердан ўрганади? Ким унга бундай кўникмаларни юқтиради? Оила муҳити, онасининг ўзига кўрсатган меҳри эмасми? Умуман олганда, болаларга гамхўрлик қилиш, уларнинг тақдирига эътиборли бўлиш, меҳр кўрсатиш ўзбек халқининг азалий ва асосий қадриятларидан бири.

Бугунги кунда ҳам юртимизда фаолият кўрсатаётган 13 та чақалоқлар уйи, 28 та Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг тақдирини, келажагини доимо давлатимиз эътиборида. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жамиятдаги бошқа болалардан ўзларини кам кўрмасликлари учун турли хил тадбирлар, байрамлар ўтказилади.

Шу ўринда мурувват уйларида тарбияланаётган ўғил-қизларни кўриб, ўйга толасан киши. Чунки кўпчилигининг ота-онаси бор. Туппа-тузук оилаларнинг фарзандлари. Аммо болаларга биринчи навбатда нима керак? Оилавий муҳит, меҳр-муҳаббат, илиқлик. Биз қанчалик гамхўрлик кўрсатмайлик, болаларга оиласи, яқинлари бағрида бўлиш, уларнинг борлиқларини ҳис қилиб яшашнинг ўрнини босиш қийин. Энг ачинарлиси, мурувват уйларида топширилган болаларнинг баъзилари вақтида даволанса, бутунлай тузалиб кетишлари мумкинлигидир. Оддий раҳит, "куёнлаб", "бўри-огиз", кўриш қобилиятининг сустлиги каби арзимаган нуқсонли болаларни ҳам мурувват уйларида берадиган ота-оналар афсуски, учрайди. Натижада, ота-она меҳридан, оиласидан йироқда бўлган бола руҳий зўриқиш туфайли қилинган турли муолажалардан тузалиш ўрнига касали борган сари кучаяверади. Нима учун ота-онаси, тўксигина оиласи бўла туриб бундай болалар мурувват уйларида яшашла-



оналарга йўл-йўрик кўрсатиш, носоғлом болаларини тарбиялашда уларга кўмак бериш учун икки йилга мўлжалланган «Табассум» лойиҳаси 2008 йилнинг октябрь ойидан иш бошлаган. Ушбу лойиҳанинг мақсади, вазифалари ва аҳамияти тўғрисида дастур координатори Юлдуз Ашрабова куйидагиларни сўзлаб берди:

— Лойиҳамизнинг асосий мақсади ногирон фарзандлари бор оилаларга — ота-оналар, васийларга билим,

га олишди, фарзандлари олдида маъсулиятни ҳис қилишди, деган ниятда ушбу лойиҳа устида иш олиб бораёلمиз. Шунинг учун ота-оналар, ижтимоий шахслар ва маҳалла кўмиталари иштирокида ижтимоий сўрономо ўтказдик. Унда ота-оналар нима етишмаяпти, умуман бу борада қандай муаммо ва камчиликлар мавжуд? Нима қилса, уларга енгилроқ бўлади? Ногирон болани боқишда уларни кўпроқ қандай муаммолар қийнапти?

# ПАРКЕНТДА БИР ЧЕВАР ОИЛА БОР

## ✓ МУСТАҚИЛЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Дилбар Турсунова Паркентда туғилиб ўсган. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ тикиш-бичишга қизиққани учун ҳамма уни «чевар» деб қақирар, тиккан либослари маҳалла аҳли назарига тушганди.

У пойтахтдаги Политехника билим юртини битириб, тикув фабрикасига ишга кирди. Бу ерда бежирим костюмшилар, болалар учун турли кийимлар тикиларди. Бу қиз синчков ва изланувчанлиги боис жамоада ҳам ўз ўрнини топди. Кўп ўтмай Паркентга қайтиб, мустақил иш бошлади.

Қарийб йигирма йиллик тикувчилик фаолияти давомида Дилбар опа моҳир чевар, таъбир жоиз бўлса, ёшларнинг энг сеvimли устозига айланди. Истиклол шарофати туфайли тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очилди. Бу эса тиниб-тинчимас Дилбар опани янги режалар сари етаклади. Турмуш ўртоғи Умирзоқ ака билан маслаҳатлашиб, уйда тикув

цехи очди. Мактаб ўқувчиларининг либослари, маҳалла хотин-қизлари учун халат ва кўйлақлар... Хуллас, қисқа вақт ичида

цехнинг фаолияти анча кенгайди.

Дарвоқе, тикув цехи, бичиш-тикиш сабоқлари ҳамда компь-

ютер ва инглиз тили ўқув курсларини ўз ичига олган фирма бугунги кунда «Умирдилгўзал» хусусий корхонаси мақомида иш юритмоқда. Маҳалла-кўй, туман миқёсида Дилбар опа ўз бағрикенглиги билан танилган. Байрам сайларда маҳалладаги кам таъминланган оилалар, ёрдамга муҳтож кексалар ҳолидан хабар олади, уларга совға-саломлар улашади.

Умирзоқ ака ва Дилбар опадаги изланувчанлик уларнинг фарзандларига ҳам кўчган. Ўғли Умиджон компьютер-информатика мутахассислиги бўйича Америкада таҳсил олиб келди. У соҳа мутахассисларининг республика кўрик танловида ғолиб чиқиб, айни пайтда таҳсилни Ҳиндистонда давом эттирмоқда.

Дилбар опанинг қизи Гўзалхон эса бугунги кунда Паркент туманидаги 1-ўрта мактабнинг 11-синфида таҳсил оляпти. Онасидан

тикиш-бичишнинг илк сабоқларини олган Гўзалхон бежирим кўйлақчаларни қизалоқлигидаёқ тикканда кўпчилик унинг зеҳнига қойил қолганди. Айниқса, турли юмшоқ ўйинчоқларни эркин ва мустақил ясаши унинг иҳодкорлигининг бир йўналишидир. Бундан ташқари Гўзал ҳам акаси сингари хорижда таҳсил олди. Фурсатдан унумли фойдаланиб, компьютер ва инглиз тилини мукамал ўрганди. У хорижий тилда эркин гаплашиши билан бирга ҳикоя ва эртақларни ўзбек тилига таржима қилишга ҳам интиляпти. Ҳар йили ўзи ўқиган мактабда «Энг зукко ўқувчи» номинациясида ғолиб деб эътироф этилган Гўзалхон 2004-2007 йилларда «Ташаббус» кўрик танловининг туман босқичида ҳам фаол қатнашиб, «Энг яхши хунарманд» йўналишида ғолиб бўлди. Зеро, у тиккан кашталар жилвакорлиги ҳамда мураккаб, мукамал шакли, ўзига хос гўзаллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Умирзоқ ака ва Дилбар опалар оиласига барча хавас билан қаради. Бундай хонадонларда вояга етган фарзандлар бахти ва иқболи, истиқболи қароғондир.

**Илхом РАҲМОНОВ,**  
«Оила ва жамият» муҳбири. (t)





**“МАЪРИФАТ”— ЭНГ КАТТА МАКТАБ**

Ўзининг журналистик фаолиятини туман газетасидан бошлаган Хулкар опа 1988 йил “Маърифат” газетасига ишга келди. Дастлаб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Гаффор Маннопов билан битта бўлишда ишлаб, бу машаққатли касбнинг нозик қирраларини ўрганди. Гаффор ака Хулкар опага ўзининг билим ва тажрибаларини ўргатиш билан бирга, бу ёш журналист қизининг жамиятдаги турли мавзуларга қўйиб, воқеликка ўзига хос ёндашуви, ўз услубини сақлашга ва уни ривож-

ди. Бундан ташқари, у материалларнинг устидан кўриб чи-

**СИЙРАТ**

диган домланикидан баландроқ” номли муаммоли-тахлилий

мақоласи жамоатчилик ўртасида шов-шув бўлиб кетди. Ҳатто бу мақола олий ўқув юрларида муҳокама қилиниб, унда кўтарилган муаммо юзасидан махсус чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу мақола орқали муаллиф жамиятда илдиш отаётган инфилдан жамоатчиликни огоҳ этибгина қолмай, унинг ечимини топишни мутассадилар зиммасига юклай олди. Бу Хулкар Тўйманова фаолиятидан биргина шингил ҳолос. Бундай мисоллар жуда кўп. Энг муҳими, у ўзининг бу



«ИСМАТ» — бу исм билан аталувчи одамларнинг ҳаммаси ҳам унинг асл маъносини билмасликлари мумкин. Шунинг учун изоҳлаб ўттишни маъқул топдик. «Исма» сўзи — поклик, бегунолик, маъсумлик маъноларини англатади.

«ИРҚ» — дунёда инсоният нечта ирққа бўлиниши ва ирқларнинг бир-биридан қандай фарқланиши ҳақида тасаввуримиз етарли. Шундай экан, бу сўзнинг туб маъноси нима? «Ирқ» арабча сўз бўлиб, «дархонинг илдизи», «танадаги томир» маъноларини англатади.

«МУМСИК» — сўзини кўпроқ «мунгайган», «журъатсиз», «ғариб» маъноларида тушунамиз. Аслида эса «мумсик» арабча сўз бўлиб, «хасис», «бахил» деган маъноларни билдиради.

«ГУЗАР» — атамаси бугунги кунда тилимизда янада фалоллашди. Масалан, «Маҳалла гузари» деган иборани кўп ишлатамиз. Бунда маҳалла маркази, маҳаллада одамлар тўпланадиган обод жой маънолари тушунилади. «Гузар» асли форсча сўз бўлиб, «ўтиш», «кечиш», «ўтиш жойи», «кечиб ўтиладиган жой», «кечув» маъноларини англатар экан.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

**АКС-САДО**

**КЎНГИЛ ШИШАДАН НОЗИК**

«Аёл эркига дахл қилманг»-33-сон

Шоир Шавкат Раҳмоннинг гўзал бир шеърда «Озодликдир бахтнинг буртуни» деган сатр бор. «Аёл эркига дахл қилманг» мақолада таъкидланганидек, ҳар ким мустақил фикрлай олиши, эркин яшаш керак. Мақоладаги қалби занглай бошлаган қайнона эса янги келинчакнинг уй юмушларидан бўшанга, бироз телевизор кўрганига жанжал кўтаради. Ахир келинчак ҳам инсон, унда ҳам кўнгили бор, юрак бор. Савияси паст яна бир қувватура эса келинчакнинг китоб ўқишини таъқиқлайди. Бу ҳам етмагандай, шўрликнинг йиллар давомида тўплаган ноёб китобларини макултурга топшириб юборади.

Ҳар иккала келинчакнинг кўнгли синди. Инсонийлик эрки ерга урилди. Ҳаётда учраб турарми бу каби воқеаларга жавобан Ҳадислардан биргина мисол келтирсам: «Аёлларни фақат улуг одамлар хурмат қиладилар, уларни фақат пасткаш одам хўрлайди». Сиз ҳам шуни унутмасангиз, бас!

Санъат МАҲМУДОВА

**ЮКСАК МУКОФОТ—УЛКАН МАСЪУЛИЯТ**

**СЎЗ КУДРАТИ...**

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрами арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз Президентимиз Фармонига биноан ҳукуматимизнинг юксам мукофотларига сазовор бўлдилар. Улар орасида таниқли журналист “Маърифат” газетаси бўлим муҳаррири Хулкар Тўйманова ҳам бор. У журналистика соҳасида кўп йиллик самарали меҳнати учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” деган юксам унвонига сазовор бўлди.

**“ОТАМ — БИРИНЧИ УСТОЗИМ”**

— Ёзишга болалагимдан қизиққанман, — дейди Хулкар опа. — Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 82-ўрта мактабда таълим олганман. Отам Ёрбек ака мактабимизда ўзбек тили ва адабиётдан дарс берарди. Аввалига оила даврасида эшитган жуда мазмунли ва мароқли дostonу эртақлар, ибратли ҳикоятлар, кейинчалик мактабда — отамнинг адабиёт тўғрақларидан олган сабоқлари мени ёзишга ундарди. Шу боис ҳеч иккиланмай айта оламнки, менинг қалбимда ижодга мойиллиқни уйғотган инсон, аввало отам бўлади. Қолаверса, ҳар бир ёшган мақолам, шеър ёки ҳикоямнинг биринчи таҳриричиси, танқидчиси ҳам у киши эди. Ҳозирда нафақага чиқиб, ёшлари саксондан ошган бўлса ҳам (умрлари зиёда бўлсин) ҳалигача ёзганларимни кузатиб боради. Учта китобни чиққан бўлса, биринчи нусхаси отамнинг қўлига теккан.

лантиришга ҳаракат қилди. “Маърифат” — асосан таълим йўналишидаги нашр бўлганлиги боис, Хулкар опа мазкур соҳанинг турли-туман йўналишлари, қирраларини мактаб, лицей, коллежлар, олий таълим муассасалари мисолида ўрганишга, фарқлашга интилдди. Натижада, тез орада соҳадаги янгиликлар, илгор тажрибаларни ёритиш билан бирга, жойларда учрайдиган камчилик ва муаммоларни дадил кўтариб чиқадиган, журъатли журналист аёл сифатида газетхонлар назарига тушди.

— Матбуот соҳасида ишлаётганимга бу йил ўттиз йил тўлган бўлса, шундан йигирма йилдан ортиги, фаолиятимнинг асосий қисми “Маърифат” газетаси билан боғлиқ, — дейди Хулкар опа. — Шу ўтган давр мобайнида бу даргоҳда журналист сифатида шаклландим, устозлардан кўп нарсани ўргандим. Ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларидаги муаммоларни ёритишга, ранг-баранг мавзуларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишга, ёшган мақолаларим орқали ўз услубимни топишга ҳаракат қилдим.

**«МЕХНАТКАШ ЖУРНАЛИСТ»**

Хулкар Тўймановани ҳамкасблари шундай аташади. У вақтининг қадрини ҳар нарсадан устун қўяди ва имкон қадар уни тўғри сарфлашга интилади. Бекорчи гапларни, аёлларга хос бўлган маиший мавзуларда суҳбатлашишни жини сунмайди. «Киши ўз оиласи, фарзандларидан узилиб, ишга келдими, демак, меҳнат қилиши, жамият учун фойдали иш билан машғул бўлиши керак», деб ҳисоблай-

этилган устоз-шогирд муносабатлари ҳақида туркум мақолашлари мамлакатимиз мустақиллиги кўни арафасида ўтказиладиган “Энг улуг, энг азиз” танловида биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Уларда мавзунини оғиб беришда ангина талқин бор. Бу мақолаларда, устоз-шогирд муносабатларидаги узвийлик уч авлод мисолида маҳорат билан кўрсатиб берилган. Бу ҳақда Хулкар опанинг ўзи шундай дейди:

— 2007 йилнинг январ ойидан бошлаб газетамизда “Қалб риштаси” деган руқн остида туркум мақолалар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб олдим. Бу иккунчи лойиҳа менда тасодифан тўғилмади, у ҳақида анча вақт ўйлаб юрдим. Чунки ҳар бир инсоннинг шахс даражасига эришувда албатта устозларнинг роли бўлади ва улар ҳам камолотга етган, ўзидан кейинги инсоннинг шахс бўлиб шаклланишига маънан бурчдорлигини ҳис қилади, деб ўйладим. Шу сабабдан ўн иккита мақолада ўттиз олтита таниқли шахснинг тақдири билан яқиндан танилишга муваффақ бўлдим. Орқали Қозоқов, Маъмура Эргашева, Эркин Комилов, Тоҳир Малик, Жуманазар Бекназаров, Маҳмуд Салохитдинов сингари ўз соҳаларининг пирига айланган ва халқнинг хурмат-эътиборига сазовор бўлган кишиларнинг ибратли ҳаёт йўлларини устоз-шогирдлик мақоми орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилдим.

**ОДДИЙ ЭЪТИРОФЛАР**

Бундан уч-тўрт йил илгари Хулкар Тўйманованинг “Маърифат” газетасида чоп этилган “Олмайдиган домланинг обрўси ола-

саъй-ҳаракатларини ва фидойчилигини оддий ва табиий ҳол деб билди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламдаги ислохотларни ёритишда, унинг мазмун-моҳиятини халққа тўғри етказишда журналист аёлларнинг ҳам ўз ўрни бор. Буни Хулкар опа шундай изоҳлайди:

— Юртбошимиз раҳамомлигида олиб борилаётган илчил ва пухта ўйланган давлат сиёсатининг устивор йўналишлари ва уларнинг самарасини ёритишда журналист аёллар ҳам масъулдилар. Уларнинг бир вакили сифатида буни юракдан ҳис қиламан. Камтарона меҳнатим халқимиз, қолаверса, ҳукуматимиз томонидан эътироф этилганини ўзим учун катта шараф деб биламан. Бу эса менинг зиммамга икки қарра масъулият юклайди. Бири касбим талаб этган ҳар қандай вазифани ҳалол ва сидқидилдан бажариш масъулияти бўлса, иккинчиси “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” деган унвонга мүнносиб бўлишидир. Бу эса мени янада яхшироқ ишлашга, изланишга ундайди.

Фаолиятининг мазмунини, журналист сифатида жамият ва халқ олдидаги вазифасини яхши билса-да, Хулкар Тўйманова бу ҳали кам эканлигини таъкидлайди. Ҳатто йигирма йилдан ортиқ таълимга ихтисослашган нашрда ишлаб туриб ҳам, “ҳали мен ўзимни тўлиқ маънода ихтисослашган журналист деб айта олмаймайман”, дейди. Бу эса Хулкар опанинг айни изланишлар палласида эканлигидан далолат беради.

Назира ҚУРБОН, “Оила ва жамият” муҳбири.

**ЕТТИ ЯШАР ЎҚИЯПТИ, ЕТМИШ ЕШЛИ ҲАМ**

Ушанда кеч куз эди. Уқитувчи бўлиб ишлайдиган дўгоналарим билан эқинда касалхонадан чиққан касбдошимизни кўрагани уйига бораётганим, йўл-йўлакай ул-бул нарса харид қилдик. Ва табиийки, унинг «газета фанати» эканлиги эсимизга тушиб, бир нечта газета-журнал ҳам сотиб олдик. Шунда қиосқачи опа «у мендан ҳар доим «Оила ва жамият»ни сотиб оларди, кўринмай қолди, касал экан-да, салом айтинглар», дея яшириб қўйган газетани қўлимизга тутқазди. Дўгонанимизникидайёқ бу газетани қўлма-қўл ўқиб чиқишга улгурдик. Шу-шу бўлдиёқ, «Оила ва жамият» менинг ҳам сеvimли газетамга айланди. Мана шунга ҳам 10 йил бўлибди. Айниқса, кейинги пайтда газетанинг таъқиқи ва чики қиёфаси кескин ўзгарди. Мавзулар ранг-баранг, географияси кенг. Энг муҳими, у энди чинакамизга оилавий газетамга айланиб бораётти. Етти яшар ҳам ўқийди, етмиш ёшли ҳам. Мени сунтиргани, бу нашрининг Қорақалпоғистонда ҳам мухлисларининг жуда кўплигидир. Тилагим, содиқ ўқувчиларингизни йўқотиб қўйманг!

**МУХЛИС МАКТУБИ**

Назира ИМОНАТДИНОВА, Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳўжайли туманидаги 64-мактаб ўқитувчиси.

**ГАЗЕТАДА БОСИЛМАСА ҲАМ...**

**МАЪМУРИЙ ЖАЗО БЕРИЛДИ**

Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмаси маъмурияти шуни маълум қиладики, «Оила ва жамият» газетасига Ғиждувон туман маҳалла фуқаролар йиғини, Пахтакор қишлоғи 7-уйда яшовчи фуқаро Баҳром Жўраев томонидан ёзилган шикоят хатини ўрганиб чиқиб бўйича гуруҳ тайинланганди. Ушбу гуруҳ Б.Жўраев билан мулоқот олиб борди. У ўзининг даволашни эъраёида айрим камчиликларга йўл қўйилганини айтди. Бу нуқсонлар атрофлича ўрганиб чиқилиб, Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти камчиликларга йўл қўйган тиббиёт ходимларига нисбатан маъмурий жазо белгиланди.

Ф. ДАВЛАТОВ, Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори.

## ИЛМ — МЕНИНГ МАЁГИМ


«...1980 йил Тошкент Давлат Университетига ўқишга кирдим. Билим олиш билан бирга Урта Осиё Педиатрия институтининг тарих-фалсафа кафедрасида лаборант бўлиб ишлаш бошладим. Ҳам ўқиш, ҳам меҳнат ҳаётда ўз ўрнини топишимда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Университетни аъло баҳоларга битириб, она шахрим Шаҳрисабзга қайтиб кетишимга тўғри келди. Ўзим ўқиган мактабда ўқитувчилик қила бошладим. Менга таниш муҳит, кадрдон устозларим қаторида ишлаш зиммамга ҳам гурур, ҳам масъулият юкларди. Кейинроқ туманимизда жойлашган қишлоқ хўжалиги техникумида ижтимоий фанлар кафедрасига ишга ўтдим. Шу билан бирга туғилиб ўсган масканим тарихига бўлган қизиқишим сабаб «Қашқадарё воҳасининг XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср биринчи ярмидаги халқ амалий хунармандчилиги» мавзусида илмий иш бошладим. Меҳнат фаолиятимдан ажралмаган ҳолда 1993-99 йилларда Тошкент Давлат Университетининг Халқаро иқтисодий муносабатлар факультетида иккинчи мутахассислик бўйича ўқидим. Илм ўрганишининг эрта кечи йўқ деганларидек, тарихчи бўлганлигим боис мамлакатимиз ва дунё тарихини астойдил ўргандим. Илмий изланишларим туфайли кўпгина хорижий давлатларда бўлдим. Дунё иқтисоди, импорт ва экспорт масалалари жараёнлари халқаро ишлаб чиқариш, халқаро туризмга бўлган қизиқишим янада ошди».

## ХУНАРЛИ КИШИ ХОР БЎЛМАС

«Айнан хунармандчилик соҳасида илмий изланиш олиб боришим бежиз эмас эди. Чунки ўзим ҳам хунармандлар оиласида ўсиб, улгайдим. Болалигимдан қўлимдан игна-ип тушмасди. Оилада тўрт қиз, икки ўғил бўлиб, бирор кунимизни меҳнатсиз тасаввур қилолмасдик. Биз опа-сингилларга кашта, дўппи тикишни раҳматли буюм Тўпа момо ёнларига олиб ўргатганлар. Айниқса, у киши қадимий нақшлар билан кашта тикишнинг устаси эдилар. Бу усулни бизга ҳам кунт билан ўргатганлар. Ўқувчилик, талабалик даврида ҳам, ўртоқларимга кашта нақшлари туширилган кўйлақлар тикиб берардим. Хунарга бўлган иштиёқим мени қатор ютуқларга эришишимда замин яратган бўлса ажаб эмас. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин эса

# ГУЛНОРАНИНГ КАШТАСИ ДУНЁГА ЙЎЛ ОЛМОҚДА

**Кўҳна Кешдаги хунармандлар оиласида вояга етиб, авлодлари анъаналарини муносиб давом эттириш орқали миллий хунармандчиликни ривожлантираётган тadbиркорлардан бири Гулнора Одилваннинг асл касби ўқитувчилик бўлгани учунми, ватанимиз тарихини дунёга танитиш мақсади билан ёниб яшайди.**



миллий хунармандчиликни ривожлантиришга эътибор кучайди. Натижада халқ амалий санъатининг йўқолиб кетган турлари қайтадан тикланди. 1997 йилда Республика «Хунарманд» уюшмасининг Шаҳрисабз худудий бўлимига раис этиб тайинландим. Биламизки, Шаҳрисабз қадимдан хунармандлар макони бўлиб, бу ер кулоллар, заргару қосиблар, ганчкор, ёғоч ўймакорлари, гилам тўқувчи, каштадўзлар, хуллас, 70 га яқин хунар-

мандчилик мактабларининг маркази ҳам бўлган. Олдимида ана шундай унутила бошлаган қадимий хунарларни қайтадан тиклаш вазифаси турарди. Айниқса, ўзим ардоқлаган Шаҳрисабз «ироқи» каштачилига алоҳида эътибор қаратдим. Бу борда менга моҳир «ироқи» каштаси устаси Халима Бобоқуллова устозлик қилиб, яқиндан кўмаклашди. Биргина шу хунар турини тиклаш учун Ўзбекистондаги, Санкт Петербург, Москва, Германия ва

Туркия музейларида бўлиб, Шаҳрисабз

**МИНБАР**

каштачилигининг ранглари, нақшларини қайта ўрганиб чиқдим. Натижада «Ироқи» каштаси 2000 йилдан ҳақиқий санъат даражасида яратила бошланди ва халқаро кўргазмалардан ўрин олди. Уни она шахрим бозорларидан «Гулноранинг каштаси» деб ҳам аташади. Шу хунарим туфайли 20 дан ортиқ давлатларда халқаро симпозиум ва кўргазмаларда қатнашиб, совринли ўринларни кўлга киритдим. Мамлакатимизда ўтказилаётган «Ташаббус-2006» кўрик танловида хунармандчилик йўналиши бўйича голибликни кўлга киритиб, олтин медал ва Президентимизнинг махсус совғаси «Матиз» автомашинаси билан тақдирландим.

## ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР


Маълумки, 2009 йилнинг 29 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий тadbиркорлик ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-tadbirlari тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Шундан кейин фаолиятимиз янада жонланди. Туман ҳокимияти, меҳнат бандлиги маркази, «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида касаначиликни ривожлантириш, уста-шоғирд мактаблари ташкил этилиб, ёшларга хунар ўргатиш ишларини кенгайтирдик. Ўзбекистон санъати ва маданияти форуми жамғармасининг ташаббуси билан 2006 йил март ойда Францияда ўтказилган «Ўзбекистон маданияти кунлари» халқаро кўргазмасида қатнашиб, юксак олқишга сазовор бўлдик. Шу йилнинг апрель ойда эса жамғарма қошида Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари, халқ усталарининг «Ижод» ассоциацияси тузилди. Бу ижодий уюшма ўзининг атрофида 200 дан ортиқ энг сара уста-хунармандларни тўплади. Мен ҳам маъзур уюшмага қабул қилиндим. Жорий йилнинг ноябрь ойда уюшма менинг кашталарим кўргазмасини «Ўзбек либослари» галереясида ўтказишни режалаштирган. Ҳозир шунга қизгин тайёргарлик кўрмоқдаман.

Қолаверса, илмий ишчини охирига етказиш ниятим бор... Бу ҳам менинг шахс сифатидаги ўрнини кўрсатувчи меzonлардан биридир.»

**Шаҳноза РОФИЕВА ёзиб олди.  
«Оила ва жамият» мухбири.**

# ЎЗИНГГА РАВО КЎРМАСАНГ...

**ОЙНАДАН ЎТКАЛАМА**



икки тонна бугдойни ун қилдираётган экан. Танишим тегиримонга ағдарилаётган бугдойга қараб:

— Ҳа, молга ем экан-да? — дебди.

Бугдой тортираётган киши дарҳол жавоб қилибди:

— Йўғ-е, эртага бозор, ун қилиб сотмоқчиман. Улгуришим керак.

Танишим ажабланиб:

— Ун қилиб сотадиган одам бугдойни сал тозалламайдими? — дебди.

— Э, ўзимга эмас-ку... кўпчиликка билинмайди. Бунинг устига бугдой-ку, арпа эмас.

Афсуски, бундай фикр юри-тадиган одамлар ҳам орамизда топилади.

Бундан 20 йиллар муқаддам 15-16 чоғли киши Фарғонага саёҳатга бордик. Эртасига эрталаб Шохимардонни айланишдан олдин, дўкандан икки кило гўшт олиб, шу ерда яшовчи оилалардан бирига тушгача ош тайёрлаб беришни илтимос қилдик. Пешинга яқин қайтдик.

Ош хиди димокни китиклайди. Ҳафсала билан помидор, бодиринг, кўкпиёз ва кўкатлардан салат тайёрладик. Ниҳоят, палов ҳам сузилди. Бироқ... Бир ошамдан олгач, ҳаммамиз бирин-кетин товоқдан кўл торта бошладик. Қисқаси, товоқни қошиқ билан текшириб кўрсак, овқатнинг ичида кўкчивинлар шу қадар кўп эканки, атайлаб солинган, деган ҳаёлга борасиз. Ош пиширган аёлни чақирдик. У эса киприк ҳам қокмай «гўшт қуртлаган экан, халиям анчасини териб ташладим» деди. Унга ишонмадик.

Ахир, эрталаб янги сўйилган мол гўшtidан у ёқ-бу ёғига қараб харид қилган эдик-да. Бу ёғи аёлнинг виждонига ҳавола. Фақат тайёрланган ошнинг увол бўлгани қолди... Яқинда ҳамкасбим билан чойхоналардан бирида овқатландик. Сомса едик. Тўғриси-ни айтганда, сомсанинг таъми, мазасини сезмадик. Танишимнинг бири:

— И-е, сомсага калла-почадан ҳам солинганми, дейман, мана бу молнинг ичак-қорин гўштига ўхшайди-ку, — деб қолди.

Сомсапазни бир неча марта

чақирдик, келмади. Кетаётганимизда ҳамкасбим уни бир-икки аччик гап билан «сийлади»...

Яна бир воқеа эсимда: Ёз кунларининг бирида кечга томон темир йўл станциясидан тезорар поезд секинлаб ўта бошлади. Бир вагон эшиклари очилиб, кимдир оқ халталарни шошилинч ерга ташлай бошлади. Юқлар деярли, бир километр масофада туширилди. Одамлар, аввалига бу селитра бўлса керак, деб эътибор беришмади. Шакарлигини би-лишгач, бир халтадан елкага ортиб, ташиб кета бошладик.

Икки тижоратчи бечора у ёққа чопади, бу ёққа чопади. «Одамлар нима қиляпсизлар, инсоф борми сизларда, ахир, сотиб олганмиз, ўғирлаб кетаётганимиз йўқ», дейишарди йўлгаудек бўлиб. Қаёқда, қулоқ соладиган одам йўқ, Хайрият, яхшилар ҳам бор экан. Шуларнинг ёрдамида халталар бир жойга тўпланди. «33 халта, 17 халта йўқ, — деди тижоратчи халталарни санаб бўлгач, — уйим куйди!» Қаердандир милиция ҳам етиб келди. Аммо ўғирланган халталар топилмади.

Вазиятдан фойдаланиб, шакарли бўлиб қолганлар ўзлари-

ни ўша тижоратчининг ўрнига қўйиб кўрсин-чи. Айнан шу шакарни орқалаб кетганлар ҳам ҳаётлари давомида одамларни: «Ўғри, имонсиз, адолатсиз», деб бир неча бор маломат қилган бўлса ажаб эмас. Ҳа, «пичокни аввал ўзинга ур, огри-маса бировга», деб жуда топиб айтилган.

Инсоф биринчи навбатда кимга керак? Кўп билан муоамла қиладиган сотувчиларга, тadbиркорларга тижоратчиларга. Лекин бу бошқа касбагиларга шарт эмас, дегани эмас. Инсоф ҳаммага — шифокорга ҳам, ўқитувчига ҳам, деҳқонга ҳам, тижоратчига ҳам, хуллас, ўғрига ҳам, тўғрига ҳам бирдай керак. Инсоф бу — одамзодни юксакда тутиб турадиган устун. Бу устун бўлмаса, одам ўзини тубанликда кўради.

Инсон табиатини тахлил қиладиган бўлсак, худбинлик ва ўз манфаатини кўзлаш ҳаммага хос хусусият. Бу табиий туйғу. Тўртта кишига тўртта бир хил нарсани биттадан олишга тўғри келса, биринчи одам беихтиёр нарсанинг қаттароғи, ўзи сифатли деб ўйлаганига қўл чўзади. Одам ҳамини ўзига ишонинг энгилроғини, буюмининг сифатлироғини, хуллас, ҳар нарсанинг яхшироғини раво кўради. Лекин ҳаётда инсоф ва виждон деган чегаралар ҳам бор. Шулар бузилмасин, илоё!

**Суяндик МАМИРОВ,  
«Оила ва жамият» мухбири.**

## ✓ ХАЁТ ДАРСИ

Халқимиз азалдан фарзанд тарбияси-га ҳамиша жиддий муносабатда бўлиб келган. Айниқса, «Қиз бола бировнинг хасми», «Қиз ота уйига меҳмон», «Қизни бешикка солу сепини сандиққа» қабилладаги мақоллар ана шу қараш таъсирида пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас.

Дарвоқе, оилада қиз фарзанд дунёга келган вақтданок, унинг келажаги ҳақида ўйлай бошлаймиз. Хўш, у ўзга хонадонга келин бўлиб боргач, бахтли бўлиши учун оналар нималарга эътибор қаратишлари зарур?

Бу саволимизга эшигидан совчилар келиб турган оналардан жавоб олишга ҳаракат қилдик.

# ҚИЗИМ — ЮЗИМ

**Мўтабархон АКРАМОВА,**  
Наманган шаҳри:

— 19 ёшли қизим бор. Ҳамшира, шаҳар шифохоналаридан бирида ишлайди. Касбини жуда яхши кўради. Совчилар келишяпти. Мен унинг зиёли, тушунган оилага келин бўлиб тушишини истайман. Баъзи хотинлар қизимни тезроқ узатишимни айтишади. Йўқ, бундай пайтда «етти ўлчаб, бир кесган» маъқул. Токи бизнинг шошма-шошарликда қилган ишимиз эртага фарзандимиз тақдирини издан чиқариб юбормасин.

Фикримни бир воқеа билан изоҳламоқчиман. Яқинда дугонам қизини узатди. Келган совчиларни сўраб-суриштирмади ҳам. Сингиллари бир марта куёвнинг уйини бориб кўриб келишди, тасом, шу билан тўй бўлди. Кейин билишса, улар қиз томондан борганларга бошқа бир хонадонни кўрсатишган экан. Устига устак куёв аввал ҳам уйланиб, ажрашган экан. Ҳа, етти ёшли қиз тўрт ойда турмуши бузилиб қайтиб келди. Бунга ким айбдор? Албатта, ота-она. Улар

қудалар ким-у, куёв ким, нима иш билан шуғулланишади, оиласида муҳит қандай, ҳаммасини маҳалласидагилардан, йиғин мутасаддиларидан сўраб-суриштирганларидан эди, гудек қизининг бахти хазон бўлмаган бўларди.

**Рихсихон МАХМУДОВА,**  
Наманган тумани:

— Яқинда тўй қиламиз. Қизимизни Наманган шаҳрига узатяпмиз. У оиладан совчилар келишганида, кўни-кўшнларим: «Шаҳарга узатманг, у ернинг таомли бошқача, тўйдан кейинги йўқловлар ҳаддан зиёд кўп маблаг талаб қилади», деган гапларни айтишди. Йўқ, биз қудалар билан келишиб олдик. Тўйни тартибли, ихчам ҳолда, энг зарур маросимларинигина ўтказамиз. Тўйдан кейинги ортиқча йўқловлар бўлмайди. Ҳатто, куёв томон келиннинг сепини у қадар кўп бўлмаслигини айтишяпти. Чунки ўзлари кўп қаватли уйда яшашди. Бу таклифлар бизга жуда маъқул келди. Шундай тушунган одамлар билан куда тутинаёт-

ганимиздан хурсандмиз. Тўғри-да, ахир бахт сеп-сидирга, буюмда эмас-ку!

**Гулнорахон АБДУЛЛАЕВА,**  
Уйчи тумани:

— Қизимнинг коллежни тамомлаганига икки йил бўлди. Яхши жойлардан совчилар келишяпти. Тарбиячиликка ўқиди, ўрта-махсус маълумотга эга бўлди. Шундай бўлса-да, мен уни хали турмуш қуришга тайёр деб ҳисобламайман. Қиз рўзгор ишларига укувли бўлса, қайнона-қайнотасининг кўнгилни олади, саришта, чақон бўлса, турмуш ўртоғига ёқади, тўғрими? Шунинг учун ҳам мен уни пазандалик ва тикуччилик ўқув курсларида таҳсил олишини хоҳлайман. Қиз боланинг борган жойида палак ёзиб кетиши кўпроқ оналарнинг берган таълимига ҳам боғлиқ.

**Нарғизахон Жўрабоева,**  
Наманган шаҳри:

— Бир ҳафта аввал маҳалламиздаги ўзига тўқ бир оила қиз узатди. Хонадон соҳиблари тадбиркор. Улар қилган тўй, қизларининг сепи асл кийим-кечак, мебелларни кўрган хотин-халажларнинг оғзи ланг очилиб қолди. Тўйдан кейинги йўқловларни айтмайсизми?

Хўп, бу оиланинг имконияти бор эканки, қиялпти. Аммо беш қўл баробар эмас-ку! Бундайларнинг ўзи йиққан мол-давлатини кўз-кўзлашлари бошқаларда орзу-хавас уйғотмайди, ҳатто қудалар ўртасидаги тотувликка раҳна солмайди, деб ким айта олади?!

Менимча, маҳаллалардаги тўйларнинг бир хилда, тартибли ўтишини назорат қилишни кучайтириш керак. Ўзим ҳам эртами-индин қиз узатаман. Лекин хою хавас билан эмас, ақл билан иш тутишни кўнглимга туғиб қўйганман.

«Оила ва жамият» муҳбири  
**Шахло ТОШБЕКОВА** ёзиб олди.

## ✓ «ЭНГ ЗУККО ОИЛА»

### ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!

#### ▶ 1-САВОЛ

Шарқнинг буюк даҳоларидан бири саналган бу улуг бобомиз ўз ғояларини ёйиш учун восита суҳбатни танлади. Бу бежиз эмасди. Чунки у яшаётган ҳудуддаги миллатлар руҳида суҳбат ва гуруннга мойиллик кучли эди. Шу сабаб, бу зот аввало гурунгни маърифат билан суғоришни мақсад қилди. У зотнинг «Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир», деган гапи машҳур. Бир мулоҳаза қилиб кўринг-чи, гап қайси аллома ҳақида борапти?

#### ▶ 2-САВОЛ

Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг «Қаро кўзум келу мардумлуг энди фан қилғил» деб бошланадиган ғазали жаҳон адабиётининг бетакрор мўъжизаларидан бири саналади. Бу ғазалда дунёнинг бор пасту баландини бошидан кечирган одамнинг ҳулосалари акс этгандай туюлади. Бир изланиб кўринг-чи, Навоий бу мумтоз асарини яратганда неча ёшларда бўлган экан?

**Ғолиблар учун тахририятнинг махсус совғаси бор.**

**Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узогини яқин, оғирини энгил қилиб келадиган Тошкент шаҳридаги 7 - автокорхона ОАЖ «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни**

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



### ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «2-АВТОБУС САРОЙИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг манзилларини яқин, кўнгилларини хушнуд қилмоқ мақсадида янги «МЕРСЕДЕС БЕНЦ LOW FLOOR КОМЕРТО» ва «ISUZU» автобуслари ажратилаётганлиги муносабати билан «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни

#### ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**ОЙЛИК МАОШЛАР:** «МЕРСЕДЕС БЕНЦ» автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун: 350 000 дан 400 000 сўмгача

Чиптачилар учун: 150 000 сўмдан юқори.

«ISUZU» автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун: 250 000 дан 300 000 гача.

Чиптачилар учун: 150 000 дан юқори.

Мурожаат учун телефонлар: 296-32-60 (ҳодимлар бўлими), 296-55-52 (кабулхона)

### «УМИД ВА ИШОНЧ»

Лиц. № 2677

Тиббиёт маркази қуйидаги касалликлар бўйича беморларга хизмат кўрсатади:

- Терапевт-кардиолог
- Невропатолог (болалар ва катталар)
- Оғиз бўғлиги, қулоқ, томоқ (ЛОП)
- Уролог, гинеколог
- Лаборатория
- ИФА методика (хламидиоз, уреоплазма, ЦМВ, герпес, ТЗ, Т4, ТТГ, пролактин, прогестерон, ФСГ, ЛГ, тестостерон)

**МАНЗИЛ:** Тошкент ш. Бешёғоч даҳаси, 1-уй. **МУЎЖАЛ:** «Истиклол» санъат саройи, Банклар ассоциацияси. **Мурожаат учун телефон:** 245-07-42; 245-07-72

### Ойлик маошлар қуйидагича:

Ҳайдовчилар учун 550 000 дан юқори.

Чиптачилар учун эса 220 000 дан юқори.

Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади. Ўқшш муддати 6 ой.

Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

1. Паспорт кўрсатилари ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет(нусхаси тақдим этилади).
3. 3x4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. «В», «С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари (нусхаси) албатта тақдим этилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 49.

**ТЕЛЕФОНЛАР: 279-95-31, 279-95-34**

Ўзбекистон Миллий университетда фаолият юритаётган

## «ШАҲНУР ИНТЕЛЛЕКТ»

### ЎҚУВ-ТАЙЁРЛОВ МАРКАЗИ

Абитуриентларни, коллеж ва академик лицей ўқувчиларини математика, физика, химия, биология, тарих, география, чет тили, рус тили, она тили ва адабиёт фанлари бўйича олий ўқув юртига киришлари учун тест синовларига сифатли тайёрлайди.

Мақтаб ўқувчиларини коллежларга киришлари учун барча фанлардан тайёрлайди.

Ўқиш кичик гуруҳларда ташкил этилади. Ҳар бир фан бўйича ҳафтасига 6 соат дарс ўтилади. Назарий материаллар тўлиқ баён этилади. Амалий машғулотлар «Ахборотнома»лар ва тест вариантлари асосида ўтказилади. Машғулотларни Ўзбекистон Миллий университетининг тажрибали профессор-ўқитувчилари олиб борадилар.

**МАНЗИЛ:** Метронинг «Беруний» бекати, Ўзбекистон Миллий университети, Механика-математика факультети 1-қавати, 107-хона. **ТЕЛЕФОНЛАР:** 155-48-50, 422-23-95.

Этибор берганмисиз, кўпчилик эркаклар ички бир ҳиссиёт билан 40 ёшдан кўриб туришади. Бунга эса уларнинг фақат ирим-сирилларга ишониши сабаб бўлмайди, албатта. Аммо ҳақиқатан ҳам айнан қирқ ёшга келиб ҳар қандай эркакни соғлиги безовта қила бошлайди: бир қараса, юраги санчади, бир ёқда қон босими ошиб кетади. Ва ниҳоят, айнан шу ёшдагина улар ўзининг умрбоқий эмаслигини англаб етади. Бунга қадар эса эркак ҳаётни абадий деб ўйлар ва йўл қўйган барча хатоларини тузатишга им-

уйгонганида эса бирданига аслида нишонлашга арзигулик ҳеч нарсаси йўқлиги, умрининг ярми шунчаки шамолга соврилиб кетганини англаб етади. Уша кунийёқ у «Аноним алкоғоллар жамияти»га аъзо бўлиб, ичкиликка қарши ўзи билан ўзи кураша бошлайди. Бундан ташқари у таваккал қилиб, 1000 доллар қарз кўтарди ва бир бейсбол командасини сотиб олади. Кутилмаганда бу жамоа унинг бизнесдаги биринчи омадини, орадан бир неча йил ўтгач эса 15 миллион долларлик фойдасини келтиради. Омадли тадбиркор, соғлом

билан никоҳдан ҳам ўтади. Бундай «қахрамонлик»дан кейин эса, одатда дастлабки 2–3 йил «янги кувёв» ўзини ниҳоятда тетик ҳис қилади. Нимагадир ўзини ёшлик пайтидагидан кўра бақувват, дадил ва аъло даражада сезади. Унинг юраги оғримай кўяди, қон босими яхшиланади, хаттоки тумов ҳам бўлмайди.

Аммо кўп ўтмай бу жисмоний кўрсаткичлар қандай шиддат билан кўтарилган бўлса, шундай тезликда пасая бошлайди. Унга ёш хотиннинг гўллиги, тўю хашамларга, ўйин-қулига ўчилиги, аҳмоқлиги, маҳмадоналиги

тортиб тураверади. Улар кимга ёки нимага қарши бундай «исён» қилаётганини эса ҳеч ким тушунмайди. Энг қизиги, бу ёшда кўпчилик эркакларни нимагадир ўта замонавий кийимлар ўзига жалб эта бошлайди. Бу ҳам майли, улар юзингда кўзинг борми, демай ўз ёстиқдошларига очикдан-очик у билан яшаш жуда зерикарли бўлиб кетганини шайма қила бошлашади. Хаттоки, хотинидан сочининг ранги ёки турмагини ўзгартиришни ҳам сўрайди. Нимагадир узоқ-узоқларга саёҳат қилгиси келиб қолади, хуллас...

## ИНСОН ҲАҚИДА

ҳам эмаслар. Ўзи билан ўзи овора аёл эса турмуш ўртоғининг ҳаётда айрим муаммолар пайдо бўла бошлаганини пайқамай қолиши, оқибатда кризиснинг дастлабки белгиларини ўтказиб юбориши ва фақат эрининг илк юрак хуружи ёки уни тарқатишдан кейингина даҳшатга тушишлари мумкин.

2. Шунинг унутмангки, «икки оғиз дилдан суҳбат бир товоқ шавладан афзалдир». Аммо тан олмай илож йўқ: йиллар ўтиши билан хотиннинг вазифаси ўз эрини ширин таомлар билан сийлашдангина иборат бўлиб бораверади. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, эрингиз бундай овқатларни чойхона ё ресторанда ҳам бемалол буюртма қилиши мумкин-ку? Лекин у фақат биргина инсон — хотини билангина дилдан суҳбатлаша олади. Шундай эмасми?

3. Ёшингиздан уялманг. Турмуш ўртоғингизга ноз-финоқ қилиб, эркаканиб туринг. Шифокорларнинг таъкидлашича, эркак киши жинсий ҳаётга ҳаддан зиёд берилиб кетишдан эмас, аксинча ундан совуши оқибатида тезроқ қартаяр экан. Агар сизнинг умр йўлдошингиз, соғ саломат бўлиши ва «эркаклар климакси»дан озор чекмаслигини истасангиз, унинг сизга хиёнат қилишини кутиб ўтирмай, у билан «ёлғиз қолиш» ташаббусини доимий тарзда ўз кўлингизга олинг. Ана шунда у ўз муаммоси ечимини сиздан кетиб, бошқасини топишда деб ўйлашга мойил бўлмайди.

4. Унинг саломатлигидан бохабар бўлиб боринг. Тўғри, бу ишни бажариш анча мушкул: бир томондан ўзи шундоқ ҳам эркаклар касал бўлиб қолишдан ниҳоятда кўрқишади. Иккинчи томондан эса улар айни шу — ўзини бироз эҳтиёт қилиши лозимлиги пайтида негадир кучли ва бақувват бўлиб кўринишга ҳаракат қилади-лар. Шунинг учун у билан саломатлик ҳақида суҳбатлашганингизда сизни хавотирга солаётган бир-биридан кўрқинчли хасталиклар, уларнинг белгилари ҳақида эмас, соғлом турмуш тарзининг фойдали жиҳатлари тўғрисида гаплашинг.

5. Унга кўмаклашинг, аммо бу гамхўрликни ошириб юборманг. Иложи бўлса, у сизнинг ёрдамингизни сезмай ҳам қолсин. Чунки хотин ўз эрига нисбатан қанчалар эътиборли ва меҳрибон бўлгани сайин, эр қайсарлик билан ўз соғлигига путур етказишда давом этаверади. У ҳаттоки хотини билан жанжаллашиши, уни ерга уриши ҳам мумкин. Сиз хафа бўлманг. Ўз бурчингизни бажардингизми, энди ундан бироз нари бўлиб туринг. Ахир инсонни унинг хоҳишига қарши бирор фожиадан қайтариб қолиш мумкин эмас. Ҳа, минг афсуски, шундай...

Интернет материаллари асосида  
Дилфуза ҚҶЗИЕВА  
тайёрлади.

# ҚИРЧИЛЛАМА ЁШ ҚИЛИҚЛАРИ

қоният борлигига ишонарди. Аммо қарасаки, манзилнинг ярмига «етиб» келибди.

Ана шунда ҳатто ўзини энг яхши яшадим деб ҳисоблайдиган эркак ҳам 40 ёшга умрининг бор-йўғи 10–15 йилдагина фаол ҳаракат қилиб қолганини тушуниб етади. Лекин ўша, «яхши яшадим» деганларнинг ҳам шу кунгача эришган ютуқларининг нимасини мақтаб бўларди? На «Нобель» мукофотини олди, на «Оскар»ни... Ҳозиргача на мрамар зинали нақшинкор уйи бор, на «Лимузин»и, боз устига қаршида гўзал малак эмас, бутунлай жонига тегиб бўлган хунук ва семиз хотини...

«Э, худо! Қандай даҳшат! Йўқ, йўқ! Тезроқ бирор чорасини топмас бўлмайди. Нимадир қилиш керак!» Шундай хаёллар сабаб, васвасага тушган эркак айнан 40 ёш остонасида ақл бовар қилмас янги «лойиҳа» ва «режа»лар тузишга тушади. Ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам ураверади. Ишини алмаштиради. Иккинчи ё учинчи олий маълумотни олишга шошиб қолади. Шунингдек, биринчи юрак санчиги, депрессия, ошқозон ярасини ҳам орттириб олади.

## НЕГА АЁЛЛАРДА БУНДАЙ ҲОЛ УЧРАМАЙДИ?

Чунки аёл эркакдан фарқли ўлароқ ўлимдан у қадар кўрқмайди. У ҳатто қарганса ҳам ўз ўлимини эслашдан тўхтамайди. Оруз қилганда ҳам. Ва бора-бора ўзини ҳаёт ўткинчи эканлигига кўниктириб боради. Қолаверса, аёл ҳомилдор бўлади ва ҳам тўғри, ҳам кўчма маънода йўқдан бор қила олади — бир жонни дунёга келтиради. Шунинг учун ҳам у оддий бир ҳақиқатни хотиржамлик билан қабул қилади: бошланган ҳар қандай нарсаси эртаси кечми, барибир поёнига етади. Жумладан, ҳаёт ҳам!

## ДУНЁНИ ТЕРС АЙЛАНТИРИБ БЎЛМАЙДИ...

Кўпчилик эркаклар бундай «кризис»ни айнан ўз тақдирини ўзгартириб юбориш учун ёки бирдан катта ютуққа эришишига ишора ё сабаб деб қабул қиладилар.

Масалан, АКШнинг собиқ президенти кичик Жорж Буш 70-йиллар бошида ичкиликка рўжۇ қўйган, қайси ишнинг бошидан тутмасин, биридан кейин бири барбод бўлаверар ва доим отасига ҳавас қилишдангина нарига ўтолмасди.

1986 йилда у барча дўсту ёрларини чорлаб, ўзининг 40 ёшлигини катта дабдаба билан нишонлади. Эртаси куни ичкиликдан боши тарс ёрилай деб



ҳаёт тарафдорига айланган Жорж Буш ҳеч иккиланмай ўзини сиёсат майдонига уради. Ва АКШ президенти бўлишгача урдасидан чиқади.

Москва шаҳри мэри Юрий Лужков ҳам айни 39 ёшида оғир юрак хуружини бошидан ўтказди. У дунёю бу дунё ораллиғида омон қолиш бахтига мушарраф бўлган мэр шу ондаёқ эс-ҳушини йиғиб олиб, биринчи галда ичкиликни ташлайди. Шу билан бирга ўз иш лавозимини ҳам муваффақиятли ўзгартиради.

## АБАДИЙ ЁШЛИК ҚАЙДА?

Бошқа бир тур эркаклар эса бу даврда энг оддий ечимга келишади: қариллик ҳақида ўйлаб қолдингми, унда ёшлигингга қайт! Аммо қани ўша ёшлик? У қай гўшада сизнинг қайтишингизни пойлаб турибди экан? Йигит-қизлар жазавага тушиб, рақсага тушаётган дискотекалардами ёки бирор гўзал маҳбуба кучоғидами ўша ёшлик?

Дарҳақиқат, британия социологларининг қайд этишича, ҳар бешинчи эркак айнан 40 ёшдан кейин ўз ишқий қиссасини яратди, яъни оддий тил билан айтганда «чапга оғади».

Энг қизиги, уларнинг ярмидан кўпи барчасига қўл силтаб, ўзидан анчагина ёш бўлган аёл

малол кела бошлайди. Ва бундай ҳолатларнинг 65 фоизда эркаклар ёш хотинини ташлаб, биринчисининг олдига қайтади ёки бир ўзи сўққабош бўлиб яшайверади. Бироқ, энди унинг асаби тинчиб қолади. Чунки унинг «кризис»и қисман ортда қолган бўлади.

## «КРИЗИС»НИНГ ИЛК БЕЛГИЛАРИ:

38 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркак хотинининг кўз ўнгидеги ўзини бутунлай бошқача, галати тута бошлайди. Гоҳо у бирданига ҳеч ким билан гаплашмай, ҳафталаб нимадандир аразлаган киши каби аёли билан терс бўлиб юриши, баъзида эса ниҳоятда маҳмадона, вайсаки бўлиб қолиши, бўлар бўлмасга жаҳли кишичи, арзиманган сабаб билан бақириб-чақиритиши, аммо шу билан бирга қаёқдаги сериалларни кўздан ёши тиргираб, берилиб томоша қилишини кўриб, на қулишни биласиз ва на қуйишини.

Баъзида «кризис» бошлангани даврида эркаклар «хе» йўқ, «бе» йўқ, дўхтирма-дўхтири, табиба-табиб югуриб қолишади. Айримлари эса ақсинча, вужудини бирор бир касаллик адо этиб бораётганига қарамай, шифокорга учрашдан қатъиян бош

## РАФИҚАЛАР, ХУШЁР БЎЛИНГ!

Чунки айнан аёлниги ўзини қандай тутиши бу «кризис»нинг қай сценарий бўйича ривожланишини таъминлайди: яъни эр бу «кризис»дан янгилиниб, доно ва кучли бўлиб чиқадими ёхуд аёлни бутунлай ташлаб кетадими ва ё қаттиқ бетоб бўлиб қоладими?

Масалан, яна ўша Жорж Бушнинг энг ишончли қалқони — унинг рафиқасидир. Жорж айнан ўз аёлига ҳеч қачон алкоғол ва тамакига қўл урмаслиги ҳақида ҳақиқий эркакча ваъда берибгина қолмай, деярли 30 йилки ўз сўзининг устидан ҳам чиқиб келмоқда экан.

## Яна аёлларга маслаҳат:

Хўш, эркакларга бу галати «кризис»ни енгилда қандай ёрдам бериш мумкин?

1. Аввало турмуш ўртоғингизга нисбатан ҳар қачонгидан кўра эътиборлироқ бўлинг. Чунки одатда 40 ёшли аёллар шиддатли жамоатилик фаолиятини бошлаб, ўзининг жамиятдаги мансабини жон-жаҳди билан мустаҳкамлашга берилиб кетган бўлишади. Ахир, энди унинг болалари улғайиб қолган ва доимий эътиборга муҳтож

## ✓ САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

Кўпинча акушер-гинеколог қабулида навбатда турган аёллардан куйидагича гапларни эшитиб қоласиз:

— Утган ҳафта ҳомиладорликдан сақловчи восита — спирал қўйдириб кетгандим. Аммо шундан буён белим тинимсиз оғриятти.

— Ҳомиладорликдан сақловчи воситалар ҳам бир хилда тўғри келвермас экан. Масалан, менга спирал ҳам, таблетка ҳам ёқмади. Уч йил ичида икки марта аборт қилдирдим. Қайси кунга газетада абортнинг асоратлари ҳақидаги мақола ни ўқиб қолиб, ичимга гулгула тушди. Шунинг учун «Ишқилиб бирорта касаллик орттириб олмадиммикан», деб шифокорга келдим.

— Мени эса ўша ҳомиладорликдан сақловчи таблеткалар аксинча, семиртириб юборди. Хўжайиним «намунча бесўнақай бўлиб кетаятсан», деб таъна қилгани-қилган. Энди нима қилишга ҳайронман, — дейди бошқа бир аёл.



# АЁЛ ТУҒИШНИ ИСТАСАЮ...

Уларнинг суҳбатларини эшитиб, турли саволлар туғилади. Хўш, аёлларимиз мутахассислар томонидан тавсия этилаётган қутилмаган ҳомиладорликдан сақловчи воситалардан тўғри фойдалана олаётдиларми? Шифокорлар бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини қай даражада олиб боришмоқда? Ушбу саволлар билан Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Кўп тармоқли марказий поликлиника бош гинеколог Феруза ИБРАГИМОВАга мурожаат қилдик:

— Аёлларга контрацептив воситаларни тавсия этаётганда, аввало уларнинг ёши, организмдаги ҳолатлар, яъни илгари қандай касалликлар билан оғригани ҳисобга олинади. Масалан, ҳомиладорликдан сақловчи воситаларнинг энг кўп тарқалган тури — «спирал»ни тавсия этишдан олдин аёлнинг бачадони текширилади. Агар бачадонда туғма анатомик нуқсонлар бўлса, ундай аёлга резина ва таблетка контрацептив воситалар тавсия этилади. Бирок орал (яъни истеъмол қилинувчи) контрацептив воситалар бош чанок, қон босими юқори бўлган, варикоуз, сурункали гепатит, қандли диабет касалликларига чаплинганларда қўлланилиши мумкин эмас. Уч ойда бир мартаба олинадиган инъекция (инъекцион) контрацептив воситалар эса кўпроқ 35 ёшдан ўтган, бошқа фарзанд қўришни хохламайдиган аёлларга қўлланилади. Барер резина контрацептив воситалари эса эркакни ҳам, аёлни ҳам жинсий йўл билан юқувчи касалликлардан асрайди. Бундан ташқари, ҳомиладорликдан асровчи укол олиш ёки таблеткалар ичишни истамаган, 35 ёшдан ошган ва туғиш мумкин бўлмаган (оғир юрак пороги, қандли диабетнинг оғир тури, ўткир ва сурункали гломерулонефрит ва бошқа оғир касалликлар турларида) аёлларга стерилизация жарроҳлик амалиёти ҳам қўлланилади. Ушбу контрацептивларни тавсия қилаётганда аёлларга улардан фойдаланишнинг қулай ҳамда нуқулари томонларини албатта тушунтириш керак.

— Маълумки, кўпгина давлатларда ноқонуний аборт таъқиқланган. Қандай ҳолатларда аёлга аборт, яъни ҳомиляни олиб ташлаш тав-


сия этилади?

— Агар аёл бола кўришни истамас, ихтиёрый жарроҳлик йўли билан аборт қилдиришга рухсат берилди. Шунингдек, абортдан кейинги асоратларнинг олдини олиш мақсадида поликлиника шариоитида даволаш ишларини ҳам олиб борамиз. Агар аёл туғишни истаса-ю, унинг кўзи ёришига монелик қиладиган бирор касаллиги бўлса, бундай ҳолатда ҳам абортга рухсат берилди ёки ўша ҳомиладор аёл Скрининг марказига юборилади ва ҳомилада бирор нуқсон аниқланса, ундан воз кечишга тўғри келади.

Афсуски, айрим ҳолларда қанча тушунтириш ишлари олиб боришимизга қарамай, баъзи аёллар ўз соғлигига етарли эътибор беришмайди.

— Яна бир жиддий муаммо бу вояга етаётган қизлар — бўлуғи оналарни тиббий кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ. Ўзбекчилик дейсизми, ёки истиҳола қилибми, айримлар қизларини аёллар шифокорига олиб боришга тортинади. Хўш, уларни соғлом турмушга тайёрлаш борасида қандай йўл тутиш керак?

— Ҳозир поликлиникаларнинг деярли барчасида қизлар ва ўсмирлар гинеколог фаолият олиб боради. Шифокорларимиз йил давомида боғча, мактаб, турли ўқув-муассасаларига бориб, қизларни ҳам тиббий кўриқдан ўтказишади. Мабодо уларда бирор касаллик аниқланса, бу қизлар диспансер назоратига олиниб, соғломлаштирилади. Айрим оналар қизларидаги ҳайз кўриш даврида оғриқлар ёки қовуқ соҳасининг шамоллашига ҳам арзимаган касаллик, ўтиб кетади деб қарашади. Афсуски, шамоллашдан бошланган оғриқлар секин-аста бо-



шқа жиддий касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Яқинда бир аёл хузуримга турмушга узатадиган кизини олиб келди. Йигирма бир ёшга кирган кизнинг кўриниши ўн беш-ўн олти ёшли ўсмир қизларникидек. Киз жинсий томондан етилмаган, ривожланган тўхтаб қолган. Аёлнинг айтишича, қизи саккиз йилдан буён ҳайз даврида кучли оғриқни бошидан кечирган. Уни тинчлантириш учун қизга оғриқ қолдирувчи укол қилишган. Натيجида унинг бачадони анчагина жароҳат олган. Энди бу қизда турмушга чиқиб, ҳомиладор бўлганда ҳам тез-тез ҳомиласи тушиб қолиш хавфи кўпроқ. Буни эшитган она саросимага тушиб қолди. Кечикиб бўлса-да, кизини даволатишга тушди. Бундай касалликларни эса бартаф этишнинг иложи бор. Энг муҳими, аёллар, қизлар ўз соғлигига нисбатан бироз эътиборлироқ бўлишлари керак, холос. Шунинг учун нафақат шаҳарда, балки қишлоқларда яшаётган аёлларимиз ҳам балоғат ёшига етаётган қизларининг соғликларида жиддий эътибор билан қарашса, эртага соғлом набираларнинг бувиси бўлиб яшаш бахтига муяссар бўлишади.

«Оила ва жамият» муҳбири Нигора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.

# КУЙДИРГИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Куйдирги ўткир юқумли касаллик бўлиб, асосан уй ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва одамлар орасида учрайди. Бу касалликнинг кўзгатувчиси (бациллус антракис) таёқчалари бўлиб, улар кислородсиз шариоитда яшаш хусусиятига эга.

Табиатда куйдирги ҳайвонларда, ўт-ўлан ва ўсимликлар, уларнинг илдизларини истеъмол қилиши туфайли пайдо бўлиб, бу касаллик ҳайвонлардан одамларга юқади.

## ✓ ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ

Одатда бу касаллик ҳайвонни парвариш қилиш, уни сўйиб, гўштини нимсиз талаганда ва касалланган жониворнинг териси, жунига ишлов берилганда юқади. Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 14 кунгача кечади. Ўта тез шакли, яъни ўткир, ярим ўткир, сурункали ҳоллари ўртача икки-уч кунгача билинмайди. Бу даврда беморлар шифокорга деярли шикоят қилмайди. Касалликнинг бир неча шакллари бўлиб, улар тери, ўпка ва ичакда кўп учрайди.

Куйдирги касаллигининг энг кўп тарқалган шакли теридадир. Бунда терида доғ пайдо бўлади, сўнгра бу доғ куйдиргига (хупозига) айланади. Унда тери қотиб, игна санчиганда ҳам оғриқ сезилмайди.

Куйдирги юзга, кўз атрофи, кўкрак қафасига, оёқ ва қўлларга чиқиши мумкин. Бунда лимфа безлар жароҳатланади, қувватсизлик, ҳароратнинг кўтарилиши, бош оғриши, эт



увишиши, иштаҳа пасайиши, бош айланиши ва кўнгил айнаши каби ҳолатлар кузатилади, жигар ва талоқ катталашади.

Куйдирги касаллиги турли асоратлар билан кечади. Шу боис уни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш муҳим аҳамиятга эга. Одамлар ўртасида куйдирги касаллигининг олдини олишда аввало санитария, ветеринария талабларига тўлиқ амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳайвонларни ҳам куйдирги касаллигига қарши эмлаш бу касалликни аҳоли ўртасида тарқалишини олдини олишда кучли самарали воситалардан ҳисобланади.

Гўшт сотиб олаётганда харидорлар албатта сотувчидан гўштининг ветеринария кўригидан ўтганлиги тўғрисидаги хулосани талаб қилиши ва сифати кафолатланмаган гўшт маҳсулотини харид қилмаслиги даркор.

Шоира АЛИМТОВА,  
эпидемиология бўлими мудири.

## ✓ УРТАНГАНИНГ ЎЗИНГА

## ШИФОБАХШ ДАМЛАМА

Наъматак (шиповник) ни билмайдиган киши бўлмаса керак. У мамлакатимизнинг деярли ҳамма ерида тарқалган. Дармондориларга бой бу мева таркибида С витамини, каротин, Р витамини, қанд, крахмал ҳамда азотсиз моддалар бор. Уй шариоитида наъматакни қуритиб, витаминли ичимлик тайёрлаш мумкин.

Қуритилган наъматак меваси яхшилаб совуқ сувда ювилган майдаланади. Ва қайнаб турган сирли идишга дамланади. Дамлангандан сўнг ўн дақиқача қайнатилади. Дамлама идишга қўйилиб, бир неча соатга ёки бир кечага илиқ жойга қўйилади. Таъми янада яхши бўлиши учун озгина шаккар қўйилади. Ичимлик тайёрланган кунёқ истеъмол қилиниши лозим, акс ҳолда С витамини парчаланиб кетади.

### МЎЙНА БУЮМЛАРИНИ ТОЗАЛАШ

Мўйна буюмлари алоҳида парвариш талаб қилади. Мўйна кийимлар ечилганидан сўнг, уни силкитиб, қор, ёмғир томчицидан ва чанган тозаланади. Хўл бўлиб ётиб қолган жунлари

қўтариб қўйилади. Пальтоларни устма-уст осиш ярамайди. Хўл бўлган мўйнали бош кийимлар ҳам бир-бирининг устига қўйилмайди. Хўл бўлган мўйналарни иситиш асбоблари олдида қуритиш мумкин эмас.

Мўйна буюмлар салқин жойларда сақланган маъқул. Нам жойларда сақланган чарминг тўқималари бузилади, қуригандан сўнг дағаллашади, нам кам жойларда сақланганда эса тез қуриб, қотиб қолади. Мўйна ёруғлик таъсирида, айниқса, офтобда рангини йўқотади. Ҳамма мўйна буюмлар қоронги жойларда, қора гилофларда сақланиши лозим. Уларни куя тушишидан эҳтиётлаш керак. Йимрик мўйнали буюмларни иситилган ёғоч қипиғи ёки буғдой қипиғи билан тозалаш яхши натижа беради. Қипиқни ишлашдан олдин уни бензин билан хўллаш керак. 1-2 сиқим қипиқ мўйнага сочилиб, қўл билан ишқаланади. Мўйнанинг ҳамма жойи шу тарзда тозаланади. Мўйна буюмларининг рангини очиб, ялтиратиш учун уни сирка билан хўлланган латтада артиш тавсия этилади.

Б.СУЛТОНОВА тайёрлади.

## ОГОҲ БЎЛИНГ

— Ҳафиза, сенмисан?  
Саида дугонасининг унга хайрон бўлиб қараб турганини кўриб, кулимсиради.

— Мен Саидаман, дугонажон. Танимадингми?

— Вой-буй намулча озиб кетдинг, ўртоқ, тинчликми?

Ҳафиза институтда беш йил бирга ўқиб, кадрдон бўлиб кетган дугонаси билан кучоқ очиб кўришар экан, кўярда-қўймай уни йўл чеккасидаги кафега судради.

— Юр, бироз ўтирайлик. Уйда уришадиган эринг бўлмас... Кўрмаганимга ҳам уч йил бўлибди-я!

Саида анчадан бунён дийдорлашмаган дугонасига дардини ёрди. Бундан бир неча йил аввал ажрашган турмуш ўртоғининг уйланганини эшитиб, адоий тамом бўлганини айтди. Турмушлари давомида феъл-атворлари бир-бирига тўғри келмаганлиги учун яшолмаган бўлишса-да, уни ҳамон севишини ана шу шум хабарни эшитгандан сўнг англаган эди-да!

ёқимтой, кўриниши қайсидир хорижий актёрни эслатувчи эркак қулиб қараб турарди. Саида бир ой ичида янги танишига шунчалик боғланиб қолдики, ҳар кун ишдан интиқиб хабар кутарди. Санжарга бир-икки мартаба учрашини таклиф қилиб, ёзмоқчи бўлди-ю, гурури йўл қўймади.

Бугун эрталабданоқ келган хабарларини эринчоқлик билан текшириб кўрар экан, Санжарнинг суратини кўриб ўзида йўқ қувонди.

«Салом, Саидахон. Ҳақиқий исмингиз жуда ҳам чиройли экан. Сизни билмадим-у, аммо мен ҳар кун ишдан хабар кутаман. Телефонингизни ҳам бермадингиз. Шундай латофатли аёлнинг албатта ово-

— Сиз Саидахонмисиз? Мен Санжарман. Саида ёши 60 ларга яқинлашиб қолган, паст бўйли, қориндор эркакка ажабланиб қаради.

— Аммо... Мен...

— Ҳа, биламан. Сиз бошқа одамни кутгансиз. Мен ҳақиқатан ҳам Санжарман. Аёллар чиройли эркакларга ошиқ бўлишади. Суратим ўрнига бир чет эл актёрининг расмини кўювдим, бунинг учун албатта уз сўрайман. Шаҳарда кўпчилик мени танийди, ортиқча гап-сўз бўлмасин, дедим-да. Қолган гапни бир пиёла чой устида давом эттирармиз, марҳамат.

Орақиқ кутган танишувининг ёлгон билан бошланганини кўриб, Саида иккиланиб қолди. Санжарнинг «Қани мар-

# КЎНГИЛ ДАЛЛОЛЛАРИ

Саиданинг гапларини эшитар экан, табиатан кувноқ Ҳафиза хо-холоб қулиб юборди.

— Сени қара-ю, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Эрим уйланди, деб аза очиб юраверасанми? Қара, атрофда эркак дегани тикилиб ётибди. Қадди-қоматинг жойида бўлса, сулувлукда унча-мунча аёл олдиндан ўтолмас... Ўзи нега ҳалигача эрга тегмаганинга ҳам хайронман... Намунча сикхласан, ўртоқ? У уйланган бўлса, сен ўзингни осийинг керакми? Ундан кўра, сен ҳам бирортасига тегиб кет энди!

— Қизиқсан-ей, Ҳафиза. Бола билан кимга ҳам керакман? Қизимга бошқа эркак оталик қила оладими? Энди фақат шу боламан деб яшайман, шекилли.

— Жинни бўп қопсан? Эртага қизингни турмушга берсанг, сўпайиб ўзинг ўтирасанми? Ҳали ёшсан.

— Мени олинглар, деб кўчага чиқиб бақирайми, бўлмаса. Уйдан ишга, ишдан уйга — биров билан танишиш учун вақт ҳам йўқ...

— Э, ишинг ҳам курсин. Онангинг айтгани тўғри ўзи. Уша ишинга эрга теккансан, сен. Яхшиси интернетдаги «танишув» сайтга кир. Билсанг агар, бир ўртоғим уша ерда бойважча, фирмаси бор эркак билан танишиб, ҳозир унга турмушга ҳам чиққан. Маза қилиб яшашпти.

Орадан бир ҳафта ўтиб, иш билан интернетга кирган Саида Ҳафизанинг айтганини эслади. Таваккал қилиб, исмини ўзгартариб ёзди-да, «танишув» сайтида рўйхатдан ўтди. Чиройлироқ расмини жойлаштиришни ҳам унутмади. Орадан беш дақиқа вақт ўтар-ўтмас, унинг номига олти хабар келганини кўриб, қувониб кетди. Энг қизиги, ҳақиқатдан ҳам хабарларнинг барчаси эркаклардан келганди. Ёшига мос келадиганини танлаб, унинг сертакаллафлик ила шеърлар билан ёзган мактубига жавоб битди. Кунлар кетидан кунлар ўтар, Саиданинг номига келадиган хабарларнинг сони кўпайгандан-кўпайиб борарди. Аммо уларнинг орасида беҳадларча таклифларнинг ҳам тез-тез учраётганлиги Саиданинг тобора асабига тега бошлади. Хануз фақатгина ҳол-аҳвол сўраб, ўзини камтарона тутаётган уч нафар виртуал, яъни ғойибона танишлари билан ёзишиб, қолганларига мутлақ жавоб ҳам бермай қўйди. Айниқса, аёлга ўзини Санжар деб таништиргани жуда ёқарди. Ёши 45 да. Хар доим «танишув» сайтга кириб, ундан келган хабарни очганида, суратдан



зи ҳам ширали бўлса керак. Бугун кечки овқатни бирга қилмаймизми? Қаерга келиб туришни айтсангиз, етиб бораман. Фақат бир-биримизни топишимиз учун қўл телефонингиз рақамини беринг. Меники 392. ....»

Нихоят Саида орақиқ кутган дамлар келган эди. Шоша-пиша рози бўлиб, жавоб ёзди. Тақдир-тақозоси билан фарзанд доғида қўйиб, оиласидан ажрашган, болали бўлса-да, меҳрибон, тушундиган аёл кидираётганлигини, атрофдаги танишларидан ҳеч қайсисини унинг дидига ўтиришмаслигини хабарларида билдирган Санжар билан куражак ширин турмушини тасаввур қилар экан, Саида сабрсизлик билан учрашув вақтини кута бошлади.

Белгиланган жойга етиб келганида соат 18.40 бўлган эди. Келишилган пайт эса 18.30 эди. 10 дақиқага кеч қолибди. Саида бежирим қўл соатига назар ташлаб, атрофга аланглади. Сал нарироқда турган оқ «Nexia» дан тушган эркакка бефарқ назар ташлади-да, яна йўлга кўз тикди. Сўнг сабрсизлик билан Санжарнинг телефон рақамини терди. Машина олдида турган эркакнинг телефонига қараётганини кўриб, ажабланиди.

ҳамат», дея машина эшигини очиб турганини кўргач, ноилоҳ олдинга юрди. Машинада яна бир эркак ўтирарди. Уни Шароф ака, ўртоғим деб таништирган, Санжар машинани юргизди.

— Аслида, Шароф акани уйлантирмоқчимиз, — деди Санжар жимликда тановул қилинган овқат устида. — Бечора, хотини уйдан ҳайдагач, қаерга боришни билмай юрибди. Мардлик қилиб, борини оиласига ташлаб чиқиб кетган. Рози бўлсангиз, никоҳ ўқитиб, бирга яшасангиз. Ойим бор девдингиз. Вақтинчалик қизингизга ойингиз қараб турса. Чиқишиб кетсангиз, мен ҳам савобга қолардим. Шароф ака хотинли, қизингиз отали бўларди.

Шу пайтгача умидлари чилпарчин бўлиб, ўзини зўрға тутиб турган Саида кафега кириб ўтиргач, кесатиброк:

— Шароф акамиз анча кекса кўринадилар, ёшлари нечада, ўзи? — сўради.

— Э, эркак одамнинг ёшини сўраб нима қиласиз? Ҳали Шарофбой ака куч-қувватга тўла, шундайми? Сизам гапирсангиз-чи?

Шу пайтгача ўзини сипо тутиб, суҳбатга қўшилмай ўтирган Шароф ҳам танишув учун куйилган пиёладаги арокни бир кўтаришда сипкорди-да, анчадан бунён совун кўрмаган рўмолчаси билан ёғли лабларини артди:

— Учта ўғлим бор. Тақдир экан, хотин билан келишолмай қолдик. Шу ёшда кўчада қолишинг ўзи бўлмайди. Худо хоҳласа, сизга тоғдай суянчик бўлишга хали қувватим бор.

Саида аранг ҳахлини босди:

— Иссик жой кидириб юрибман дегн? Демак, сизнинг кир-чирингизни ювиб, сидқидилдан хизматкорлик қилсам, кўнглингни хушласам, бир йилдан кейин уйланасиз. Бўлмаса бошқа жой кидирасиз, шундайми?

— Албатта, аввал бир-биримизни синашимиз керак. Турмуш қуришинг ўзи бўлмайди. Менга жуда ёқиб қолдингиз, — деди Шароф ҳам чайналиб.

— Сиз нотўғри тушундингиз, Саидахон. «Синалмаган отнинг сиртидан ўтма» деганларидек, аввал бир-бирларингизга кўникинглдек демоқчиман, — ясама илтифот билан тушунтира кетди Санжар. —

Ўртада Шароф акада хотинидан ажрашишга ҳам вақт бўлади.

Санжар гапини тугатишга улгурмади, Саида жажл аралаш:

— Ўзингиз ёшингизни 45 да деб ёзиб, камида 60 ни уриб қўйгансиз, шекилли. Бунинг устига одамлар тақдир ўртасида даллолман дегн? Даллоллингиз учун қанча ҳақ оласиз? — дея овозини баландлатди.

Санжарнинг юзи қизариб, пешонасини реза-реза тер қоплади. Аввалги сертакаллафлигидан асар ҳам қолмади.

— Намунча, нозланасиз? Ёш қиз бўлмасангиз. Хотинлик қилгингиз келмаса, балки бир кечага...

— Сиз... сиз... Мени ким деб ўйлаясиз? Мен ахир... қизингиз тенгиман-ку! Ундан кўра ўлганингиз яхшимасми? Боринг-е! — дея Саида йиғламсираб ўридан туриб, пальтосини кия бошлади.

— Ўзингизни ҳаёли, иболо аёл қилиб кўрсатмай қўяқолинг. Агар шундай бўлганда, эрсираб, интернетдан эркак қидириб юрмаган бўлардингиз, синглим!

Санжарнинг сўнгги сўзлари Саиданинг кўнглини вайрон қилди. Ҳислари топталган, ҳақоратланган аёл тамаддиҳондан югурганича чиқиб кетар экан, юзини юваётган кўз ёшлари ёғаётган совуқ ёмғир билан қўшилиб оқарди.

## Зулайхо ТОШЕВА, (руҳшунос):

— Ҳаётимизга интернетнинг кириб келиши натижасида жамиятимиз аъзолари кўпроқ ахборот олиш имконига эга бўлдилар. Унинг ижобий ва салбий томонлари ҳусусида батафсил тўхталиб ўтирмай, фақатгина танишув сайтларига эътиборингизни қаратмоқчиман. Кейинги вақтда кун сайин кўпайиб бораётган мажмур сайтларда эркак ва аёлларнинг асосий қисми бошқа ном билан рўйхатдан ўтишади. Ўзларининг яширин, яқинлари ва танишларига айта олмайдиган дардларини интернет орқали виртуал танишларига тўқиб солиб, қайсидир жиҳатдан кўнглиларини бўшатишади. Тўқис оиласи бўла туриб, четдан бир-икки кўнлик кўнглихушлик истаганлар учун ҳам ҳозир бу сайтлар жуда «қўл» келмоқда. Энг ачинарлиси, қахрамонимиз Саидахонга ўхшаб, яхши ният билан унга кирганлар камдан-кам учрайди. Шунинг учун, узокроқ шаҳардан бошқа ном, бошқа одамнинг сурати билан танишиб, «учрашувга бориш» учун янги танишув сайтларидан ўзингизга дўст ёки турмуш ўртоғи изламоқчи бўлсангиз, албатта ушбу қоидаларга риоя қилинг:

→ Виртуал танишингиз фирибгар, сиз билан кўнглихушлик учун танишиш ниятида эмаслигига ишонч ҳосил қилмагунингизгача унга телефон рақамингиз, уй манзилингизни берманг;  
→ Хориж давлатларидаги айрим юртдошларимиз асосан зерикканидан, Ўзбекистонини соғиниб, бўш вақтини ўтказиш мақсадидагина танишув сайтга киришни унутманг; Вилоятларда истикомат қилувчи эркаклар эса аксарият пойтахтдан бошпана топиш ва рўйхат (прописалка)дан ўтиш ниятида танишишга ошиқадилар;

→ Виртуал танишингиз бошқа шаҳардан бўлиб, учрашишга келиш учун йўл харажатини сўраб, юракни ларзага келтирувчи хабар йўлласса, ҳеч қачон унга пул жўната кўрманг. Яхшиси, ўзи иложини қилиб келишини, сўнг унинг йўл билан боғлиқ муаммоларини биргаликда хал қилишингиз ҳақида ёзиб юборинг;

→ Учрашувга таклиф қилинсангиз, албатта одамлар гавжум жойини танланг. Агар унинг уйи ёки офисига борсангиз, виртуал танишингиз ҳолатинг «қўжайини» бўлиб қолади. Зеро, ҳар бир инсон ўз худудидида ўзини бардам сезади;

→ Сизнинг банкдаги ҳисоб рақамингизни сўраб, унга катта пул жўнатиш ниятида бўлган виртуал танишларингизга ҳам ишонманг. Бу кононуний йўл билан топилган пулни «ювишнинг бир усули, бўлиши ҳам мумкин.

Наргиза КОСИМОВА, журналист.

**(Боши ўтган сонда)**

— Мўмин ака деган касибни эшитганмисиз? Уша кишининг қўлларида улғайганман. Почтага яқин жойда яшардик. У киши менинг тоғам бўладилар. Ойим билан дадам мен чақалоқлигимда Корасув дарёсига чўкиб кетишган экан...

Аброр бу гамбода аёлнинг ўтмишини эшитиб, ўйланиб қолди. Унда энди кимга аза очган бўлса?

— Мен ҳам бир ёшимда отамдан, ўн ёшимда онамдан етим қолганман. Мениям тоғам тарбиялаган. Ҳозир у киши ҳаётлар, бирга тураимиз. Хотиним ҳам қариндошим. Демак...

Аброр хайрлашув онидан унинг телефон рақамини сўради. Зулайҳо ҳам бу самимий инсонга рақамини берди. Орадан икки кун ўтгач, Аброр унга кўнги-роқ қилиб, омонлигини сўраб қўйди.

Кунлар шу тахлит ўтаверди. Аброр бу орада тоғасининг қистови билан хотинидан ажрашди. У негадир Зулайҳони эслайверар, ичидаги галаёни қандай босишни билмай қийналарди. Қайсидир йўл билан бева аёлга ёрдам бергиси келар, аммо қандай йўл ту-

**НАСР** риб олди. Кейин Зулайҳога кулимсиради.

— Юринг, шу қизимни бир музқаймоқ билан сийлай...

— Ойим уришадилар музқаймоқ есам, — лабларини чўччайтирди қизча.

— Туш энди, Зулфизар! Уят бўлади, қизим, сен энди мактабга борясан.

Амаки қизни оҳиста ерга қўйди-да, бориб музқаймоқ олиб келди. Кейин Зулайҳога юзланди.

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН ҚИЗИ****...ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ЁРУФ**

Аброр ниманидир сўрамоқчи бўлди, индамади.

Зулайҳо ўйга чўмганди.

— Болаларимнинг ҳам отасиз ўсишларини истамагандим... — Аёлнинг кўзларига яна мунг чўкди. Бояги ёниқ чехрасидан асар қолмади. У шу тобда узокларга термулганча олдидаги одамни унутган эди гўё.

— Эрим бошини қаттиқ шамоллатган экан, дўхтирлар тўғри ташхис қўйишолмади. Кейин... кейин мия саратони деб қўя қолишди. Хуллас, даволанишга вақтида маблағ тополмадик...

Аброр қаршисида турган маъсумага тикилиб қолди. Нима деб юпатишни билмай эсанкиради. Бироз сукутдан сўнг Аброр унга далда берган бўлди:

— Боя сиз «келиш бор, кетиш ҳам бор» дедингиз, ҳа, кетиш ҳам мамизнинг бошимизда бор, фақат қачон кетамиз, билмаймиз. Сизга жабр бўлибди, аммо метин бардошли бўлишингиз керак. Болаларингиз учун ҳам яшашингиз керак, — деди.

Шу пайт бекатга бирин-кетин келиб тўхтаган таксилар уларнинг диққатини тортди.

— Тўйтепа бозоригача...

Улар бир оз жим кетишди. Кейин яна биргалишиб Оҳангаронга кетадиган автобусга чиқишди. Энди юракларида яширин дард кўзголган икковлон сўзсиз боришарди.

— Зулайҳо, синглим, қаранг, бир эмас, уч транспортда ҳамроҳ бўлиб қолибмиз. Биз томонларга болаларни олиб ўтиб турунг. Каналнинг бўйида ашаймиз. Болалар бир яйраб келишад.

— Ҳўп, ака, худо хоҳласа. Янгамни сўраб қўйинг, у кишига ҳам худо кўчкордай ўғил берсин. Дўхтирларнинг айтганига қўпам ишонаверманг. Эримни икки ойлик умри қолган дейишганди. Бир йил яшади-ку!..

Сўзсиз хайрлашдилар.

Орадан ойлар ўтиб, ҳар ким ўз тирикчилиги билан овора бўлиб кетди. Бир куни Зулайҳо ишлайдиган мактабда семинар ўтказиладиган бўлди. Нотиқлар қаторида Аброр ҳам бор эди. Улар оҳсонада учрашиб қолдилар. Аброрнинг кўзлари ёниб кетди. У Зулайҳони яна учратишини хаёлига келтирмаганди. Аёл анча ўзига келиб қолди. Илгариги мунглиг чеҳрада энди яшаш учун кураш, ишга иштиёқ кучли эди. Аброрни кўриб у ҳам хурсанд бўлди.

— Ия, ҳамкасб эканмиз-да!

— Қизик, ўшанда роса суҳбатлашибмизу, бир-биримиздан касб-коримизни сўрамабмиз.

— Ишлар билан ҳорманг, Зулайҳо! Зулайҳо қаршисидаги эркакка ялт этиб қаради.

— Демак, исми ҳам эсингизда қолган экан-да?

— Исмингиз жуда қайроли бўлгани учун эсимда қолган.

Аброр кулимсиради. Семинарнинг амалий машғулоти бошлангунча иккаласи суҳбатлашиб қолдилар.



тишни билмасди. Кўнглига бирор нарса келиб, хафа бўлса-чи? Зулайҳо жуда вазмин аёл, унинг дилини оғри-тиб қўйишдан чўчиган Аброр ора-сирателефон қилишдан бошқа чора тополмасди. Тасодифан бозорда учрашиб қолишди, муносабатлари анча қуюқлашди. Уша куни Зулайҳо етти ёшлардаги сочлари жингалак қизалогини етаклаб борарди. Унинг эғнидаги осмонранг хилпираб турган қўйлак фариштаннинг либосига ўхшарди. Рангидаги синиқлик анчайин ариган, қизининг бижир-бижир қилаётганига мийғида қулиб бораётган аёл рўпарасида турган Аброрни пайқамасди.

— Зулайҳо!

Ортига ўғирилган аёл таниш кишини кўриб, унга пешвоз юрди.

— Ассалому алайкум, Аброр ака! Саломатмисиз?

— Ўзингиз омонмисиз? Ия, бу қизалоқни кичина деганди-дунг, капкатта бўлиб қолибди-ку?

Қизалоқ бегона амакидан тортиниб, онасининг этагидан тутди.

— Салом, — қўл узатди нотаниш амаки унга.

Қиз бир онасига, бир амакига қараб олди.

— Амакингга салом бермайсанми, қизим?

Зулайҳонинг гапидан кейин қизалоқ худди яқин бир кишини кўриб қолгандек қўл бериб ўтирмади, аксинча ўзини унинг кучоғига олди. Бола нафасига зор Аброр уни маҳкам қучоқлади. Қўйиб юбормай даст кўта-

— Кўришиб қолибмиз, юринг, бир пиёла чой устида гаплашайлик.

Зулайҳо уялиб ерга қаради.

— Овора бўлманг, Аброр ака. Биз шошилич келувдик, уйда уста ишлаётган эди. Шунга... Озгина оҳак етмай қолувди.

— Ҳозир ташкиллаштираемиз-да. Менга ўхшаган акаларингиз турганда сиз устага оҳак ташийсизми?

Аброр ярим қоп оҳак, бир-икки бўёқни харид қилиб чиқиб, тақсига юклай бошлагач, Зулайҳо шоша-пиша унга бир даста пул узатди.

— Сизниям овора қилдик. Буни олиб қўйинг.

Аброрнинг юзи тундлашди:

— Мени хафа қиялмасиз, сиз билан кеча эмас, олти ой аввал танишгандик, шекилли. Сиздан илтимос, кўнглингизга ҳеч нарса келмасин. Юринг-чи, устангизнинг ишини бир текширайлик-чи...

Уйда уста икки кунлик ишни бир ҳафтага чўзган, Зулайҳонинг ёлғиз аёллигини сезиб, роса бемалол бўлиб олган эди. Аброрни кўргач, сабза урган мўйлаблари учиб қўйган уста айвонда ястаниб ётиб олганча тамаки тутатаётган шеригини чақирди.

— Акмал!

У томондан эринчоқ овоз гижинди: — Мусиқа эшитишгайм қўймайсизми энди?!

Аброр Зулайҳонинг усталарга "ёлчиганини" сездди. Бунга дарҳол чек қўйиш керак.

— Қани, шоввозлар, ҳорманглар энди! Ишингизни бир кўрсак деддим, ёқса биздан ҳам бюуртма бор.

Йигитчалар нотаниш эркакка энсалари қотганча қараб қўйишди.

— Э, сувок ҳам шунақа қўл учиди қилинадими? Қойил-е, опангиз сизларга ишониб иш топширсаю, пул бериб ишлатса, ишончини суистеъмол қилсангиз, яхши эмас.

Аброр уларни Зулайҳо турган жойдан нарироққа етаклаб борди-да, бир нарсаларни узок гапирди. Бир пайт усталар типирчилаб қолишди. Улар ҳар кунгидан ўн чандон жадалроқ ишлай бошлашди. Пешинда бошланган иш кечга бориб тугади.

— Энди оқлашни ўзимиз қиламиз, сизларга раҳмат. Мана бу хизмат ҳақингиз, олинг.

Аброрнинг эркакларча кескир гапи, усталарнинг мулоиймлашиб, чаққонлашиб қолгани Зулайҳони ҳайратга солди. Яна раҳматли эрини эслади. Вой, шоввозлар-ей, мени аёл билиб бемалол бўлиб олишган экан-да. Бу савил бир кунда битар экану, мен бўлсам...

(Давоми бор)

**ҚИЗИҚАРЛИ РАҚАМЛАР**

Агар 111 111 111 сонини унинг ўзига қўлайтирсангиз қизик рақамлар пайдо бўлади — 12 345 678 987 654 321. Кўриб турганингиздек, 1 дан тўққизгача бўлган сонлар 9 дан кейин тескари тахланади.



21 978 сонини 4 га қўлайтирсангиз ўша соннинг тескари ҳолда тахланган кўриниши, яъни 87912 пайдо бўлади.

1961 йилга оид танга пулларга оёғини осмондан қилиб қарасангиз ҳам йил рақамлари ўзгармай қоларди. Яъни, тангада яна 1961 рақами бўларди. Худди шундай, йил кўрсатгичи тескари томондан қаралганда ҳам бир хил рақам кўринишига эга бўлган тангаларнинг навбатдагиси 6009 йилда зарб этилиши мумкин.

**ИХТИРОМИ ЁКИ ЁЛҒОНЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК?**

Шиддат билан ривожланаётган бугунги давримизга назар солсак, янги ихтиролар ва оламшумул кашфиётларнинг гувоҳи бўламиз. Масалан, уяли алоқа воситаларини ишлаб чиқарувчи компаниялар йилдан-йилга улқариб турли-туман русумларини ўйлаб топшидан чарчашмаяпти. Телефоннинг ўлчамлари тобора кичрайиб, имконияти эса аксинча, ортиб бораёпти. Масалан, яқинда бир компания суҳ-



бат жараёнида 10 дан ортиқ товушни ҳосил қилувчи саундқаверни ишлаб чиқарди. Дейлик, сиз ухлаб қолдингиз. Уринда ётган ҳолда бошлигингизга кўнгирик қиласиз, «автомобилда тирбандлик» тўғрисида бошганингиздан сўнг телефон мотор гувиллаши, машина сигналларининг товушини беради. Раҳбарингиз эса сизнинг тикилинда қилиб кетганингизга албатта ишонади. Ёки турмуш ўртоғингизни театрдаман, дея ишонтироққимисиз? Унда суҳбат давомида операдан ария ёки актёрлар монолоғидан фойдаланинг.

Қаранг, қандай ажойиб кашфиёт. Аммо бу кашфиёт бир вақтнинг ўзига ёлғончилар учун янги қулайлик эмасми-кан?! Ихтирочилар фақат шу билан чегараланиб қолаётганлари йўқ. Энди улар товуш муаммосини ҳал этиб, тасвир борасида бош қотиришмоқда. Ҳозирча бундай қурилма НОКИАнинг махсус моделларига ўрнатилганди, холос. Нима дердик, қулайлик яратиш яхши, аммо инсофни, андишани унутмаслик керак.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади.

Тўй-томошаси кўп халқимиз. Курбимиз етса-етмас, қарзга ботиб бўлса-да, тўйга қолганда бор будимизни сарфлаймиш. Албатта, шу билан на мартабамиз, на бойлигимиз ошиб қолмаслигини ҳам жуда яхши биламиз. Лекин на илож, ўзбекона айтганда, "шавла кетсаям, обрў кетмасин"...

Хали-хали эсимда: учинчи ё тўртинчи синфларда ўқиб юрганамиз...

## ТЎЁНА ҚАРЗ ҲИСОБИГА ЎТАДИ(МИ?)!

даям уйимиз тўрида михга илинган бир эски дафтар турарди. Бир куни ўзимча қизиқиб варақладим. Қарасам, унда турли хил исми-шарифлар ёзилган бўлиб, уларнинг тўғрисида "1, 3, 5, 10 сўм" деб битилган эди. Раҳматли отамдан унинг қандай дафтар эканлигини сўрадим. "Болам, бу аканг билан икковингнинг тўйларинг муносабати билан очилган "Тўёна дафтар"и. Буям қарз-да, бир кун шу тўёна берганлар ҳам тўй қилса узишим керак-ку!" — дея изоҳ берди. Шу-шу бўлдию, бундай дафтарлар ҳамқишлоқларимникида ҳам сақланаётганига кўп бора кўзим тушди. Барибир хали-хали ўйлаб қоламан ва "тўёна қилиб берилган пул ва ҳадылар ҳақиқатан ҳам қарзга ўтармикан?" деган савол мени қийнаётган эди.

Сурхондарёлик бир маҳалла оқсоқоли айтиб берган воқеани эшитинг: «Бир танишимиз ўғлига тўй

берди. Битта дафтар тўлиб, иккинчисиям яримлади. Тўёнага тушган турли совға-саломлар, эчки-улоқ, қўй-бузоқларни айтмайсизми? Орадан кўп вақт ўтмади. Тўн қийиб, жўра бўлган дўсти тўй қилди шу кишининг. «Ўзи нима обкелувди, қаранглар-чи дафтарга?» дебди ўғилларига. «Катта қўчқор экан, ота» деган жавобни эшитиб, «майли, анави бо-



қилаётганини берамиз бўлмасми» дебди. Лекин хасислиги туггани ё нимадир бўлганми, хуллас, «аталган тўёна» ўрнига битта такани судраб олиб кетибди. Икки кундан кейин кўрасига кириб қараса, ҳалиги қўчқор ҳаром ўлиб ётганимиш...»

**НИМА ДЕЙСИЗ?**  
Курбонбой ТУРСУНОВ, Зангиота жомеъ масжиди имом хатиби:  
— Муборак ҳадисларда келтирилишича, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.): "Бир-бирингизга ҳады улашинг, ана шунда меҳр-муҳаббатингиз ортади", деганлар. Шу боис тўё-

нани қарз дейиш умуман нотўғри. У қўнғилга боғлиқ. Агар сиз бировга қурбингиз етиб, қимбатбахо ҳады улашсангиз, бир кун қилиб ўша одам сизга баҳоли қудрат арзонроқ тўёна олиб келгани учун хафа бўлсангиз, аввалги қилган ҳимматингизнинг савобидан шакшубҳасиз маҳрум бўласиз. Яна тақрор айтаман: **Ҳады сифатида берилган тўёна қарз ҳисобига ўтмайди!** Аммо, қарз олиб, тўй қилиш бошқа масала... Ва хали сиз айтаятган юртимизнинг айрим ҳудудларида сақланиб қолган "Тўёна дафтар" тутишларга келсак, бунга азбаройи "қарздорлик" деб қарамаслик керак. Аксинча, бу ҳам одамларнинг бир-бири олдиданги ўзаро масъулиятини англаган.

Бундан бошқа изоҳга эса ҳоҳат бормикан? Сиз нима дейсиз, муҳтарам муштарий?

Норқобил ЖАЛИЛ

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

# Бахтли бўлинг!

### ЯНА ЁЛҒИЗМАН

«Сизларга кўзда ёшим билан мактуб йўллайман. Инсон ўз бошига қандай қисмат ёзилганини билмас экан. Ота-онам вафот этгач, ёлғизланиб қолдим. Акаларим бор, лекин... амакимнинг борни йўқ, йўқни бор қиладиган ўткир хотини келин-ойларимга бош-қош бўлиб қолди. Кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз йўқ бўлар экан. Улар ўзаро келишиб, мени ҳеч тўғри келмайдиган жойларга узатмоққа уринишарди. Роза бўлмасам, бошимда калтак синарди. Осмон узок, ер қаттиқ экан, барига чидадим. Яхшиямки, ота-онам олий даргоҳда ўқитгани учун мактабда ўқитувчилик қилардим. Қадрдон жамоатда иш билан чағирдим. Ниҳоят ҳамкасбларимдан бири ўртага тушиб, мени ўз жиянига келин қилди. Тўйимиз бўлди. Ботир ҳам кўнглимдаги инсон эди. Қайнона-қайнотам бамаъни одамлар экан, мени келин эмас, қизи ўрнида қабул қилишди. Дунёда мендан бахтли инсон йўқ эди гўё. Ҳаманинги ҳаваси келарди. Аммо кўргүлик экан, шодмон кунларим олти ойга ҳам чўзилмади. Эрим автохалокатга учраб, қаза қилди. Фарзандим бўлганда бу даргоҳдан сира кетмасдим дея йиғлаб, отамдан қолган уйга яна қайтиб бордим.

**Ёшим 41 да.** Қисмати ўзимникига ўхшаш, диёнатли бир инсон билан тақдирим қўшилган бўлса турмуш қурмок умидида сизларга хат ёздим.  
**Замира,**  
Тошкент вилояти».

### ЭРКАК ҚАДР КЎРМАСА...

«Болалигимдан бери кўзойнақ тақаман. II-гуруҳ ноғирориман. Шу ҳолатимни қўриб-билиб туриб, Насиба менга турмушга чиқди. Икки фарзанд кўрдик. Оиламни тўқис таъминлаш, умр йўлдошимни бахтли қилиш мақсадида тиним билмай ишлардим. Ўзимга жиддийроқ эътибор ҳам бермапман. Афсуски, хато қилган эканман. Йиллар ўтиб, Насиба таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бойликка, тақинчоққа ўч, ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган бўлиб қолди. Ўзига ўхшаш «гап-ўйнайдиган дугоналари кўпайди. Оиламизга четдан аралашиб, «маслаҳат» берадиганлар топилди.

Оилада эркак киши қадрсизланмасин экан. Фарзандларим тақдирини ўйлаб, тинч яшашга интилдим. Қайда, аёлим ҳаддидан ошиб кетаверди. Охири ажрашдик. **Ёшим 46 да.** Тошкентда яшайман. Инсоний фазилатларни қадрлайдиган, иймонли, уйим-жойим дейдиган, оқунгил аёл бўлса овоз берсин.

**Собир».**

### ЎГИЛЛАРИМГА ОНА БЎЛСИН...

«Мактабдошим Зайнаб билан севишиб турмуш қургандик. У билан тани-

шишимизга онам сабаб бўлган. Ўшанда эрталаб ҳаво очик эди. Онам ҳоламникига меҳмонга кетганди. Қайтишида бирдан шаррос ёмғир қуйиб юборди. Зайнаб онам билан битта автобусда бўлгани учун уларга соябонни пана қилиб, уйимизга олиб келибди. Ўзининг уст-боши жиққа хўл эди. Зайнабнинг меҳрибонлиги менин юрагимга севиб ўтгани соғди. Тўйимиз бўлди. Таниш-билишларимиз бизни Тоҳир-Зухра дейишарди. Кетма-кет уч ўғили бўлди. Мутахассислиги ҳисоби бўлгани учунми, топган-тутганимиз жой-жойга ишлатиларди. «Ўғилларга сиз қаттиққўлроқ бўлинг, икковимиз ҳам меҳрибонлик қилсак, бўлмас», дерди. Хотинимнинг бедаво хасталикка чалинганини эшитганимдан кейин, ўзимга келолмай, уни йўқотиб қўйишимни ўйласам, дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетарди. Тақдир экан, қўлимда жони узилди. Уйим, юрагим ҳвиллаб қолди. Ўғилларимга ҳам ота, ҳам она бўламан дегандим. Афсус, аёлимнинг ўрни бўлақча экан. Ҳеч эғплонмапман.

**Ёшим 50 да.** Тошкент шаҳрида яшайман. Меҳрибон, саранжом-сарийштали аёл изляяпман.

**Ўқтам».**

### ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

## «ИНФАРММАДАД»

Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларидаги малакали шифокорлар шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.

**Кўплаб оилаларга фарзанд қувончини туҳфа этиб келаётган саломатлик маркази, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛҚОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳиммалдорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Энди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатолог, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригидан бўлади.

Ҳурмати эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳоҳатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий оғизлик, бепуштлиқ, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриғи, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.

Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлиқ, сабабсиз қон кетиши, туҳумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент шаҳри, «Фафур Фулом» метро бекати.  
**МЎЛЖАЛ:** Цирк томонга 150 метр биланиди.  
Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02  
Барча хизматлар лицензияланган.

## «ЎҚТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади.

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамширалар — 6 ой, 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт.
- Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нуктали — 1 ой.
- Торт ва пиширилган амалиёт билан — 2 ой.
- Пиширилган оқий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёти билан.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёт билан.
- Педикюр, маникюр — 1 ой, амалиёт билан.
- Сартарошлик — 3 ой, амалиёт билан.
- Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.
- Сартарошлик — 2-3 ой ўқиб болалар учун. Салонда
- Каштачилик — 3 ой машинада вишировка.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни муноққ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий ракс — 3 ой.

■ Машғулотлар амалиёти билан ■ Ётоқхона мавжуд

### Ўқшни тугатганларга ДИПЛОМ берилади

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.  
Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.

**Муассислар:** Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлғезмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.	<b>Бош муҳаррир:</b> Норқобил ЖАЛИЛОВ	<b>ОБУНА ИНДЕКСИ</b> — 176
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00 Босишга топширилди — 16:00	<b>Қабулхона:</b> (тел, ва факс) 233-28-20 <b>Мухбирлар:</b> 234-25-46 <b>Котибият:</b> 233-04-35 <b>Реклама бўлими:</b> 233-04-50	Ўзбекистон Matbuot ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11. 01. 07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 832. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ, Адади — 9461 Навбатчи — <b>Тамара ХУММАМАТОВА</b> Саҳифаловчилар — <b>Илҳом ЖУМАТОВ</b> , Шерзод БАРОҚОВ Мусахҳидлар — <b>Самдғани САЙДАЛИМОВ</b> , <b>Камола АҲМЕДОВА</b>
<b>E-mail:</b> oilavajamiyat@sarkor.uz	<b>Web-site:</b> oilavajamiyat.uz	ISSN 2010-7609
Газета таҳририй компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.		2 3 4 5